

МУҲАММАДДИЁР ТОШМУРОДОВ



РАНГТАСВИР  
АМАЛИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

МУҲАММАДДИЁР ТОШМУРОДОВ

РАНГТАСВИР  
АМАЛИЁТИ

(ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР)

*Олий ва ўрта маҳсус ўқув юрти талабалари  
учун услубий қўлланма*



ТОШКЕНТ  
«CHASHMA PRINT»  
2010

УДК 658.701(075)

ББК 74.202

Т 21

Ушбу қўлланма К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва оизайн институти 2010 йил 28 августдаги 1-сонли Илмий кенгаш мажлиси қарорига мурофиқ нашрга тавсия этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,  
профессор Р. А. Худайберганов таҳрири остида

Тақризчилар:  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,  
академик С.А.Абдуллаев

Санъатшунослик фанлари номзоди,  
профессор А. Эгамбердиев

Мазкур қўлланма олий ва ўрга маҳсус ўкув юртлари тасвирий синьят факультети талабалари учун мўлжалланган бўлиб. Дастроҳли рангтасвир ихтисослиги бўйича ўкув амалиёти; очиқ ҳаво (пленер)да ишлаш, нусха олиш, мавзуга доир ашёлар йигиш, ёш ижодкор рассомларнинг билим ва малакаларини ошириш асосий мақсад килиб олинган.

Қўлланмада рангтасвир амалиётида бажариладиган топшириклар ва талабалар олдига қўйиладиган вазифалар ҳакида батафсил ёзилган. Ушбу рисоладан тасвирий санъат билан шуғулланувчи барча талабалар, ўкувчилар, бошловчи рассомлар ва ёш ўқитувчилар касбий маҳоратларини оширишда фойдаланишлари мумкин.

ISBN-978-9943-850-41-0

© «Chashma Print» нашриёти, 2010  
© М.Тошмуров, 2010

## КИРИШ

Тасвирий санъат амалиёти, ҳар бир ўқув юрти талабалари учун мухим жараён ҳисобланиб, улар ўзларининг танлаган жанрларида, натюроморт, портрет, майший мавзуларда изланишади, ўз танлаган мавзуларидан келиб чиқсан ҳолда илк, юқори савиядаги асарларни яратиш учун мустақил ижод қилишга киришадилар. Айниқса, танланган мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида, тасвирий ва амалий санъат музейларида, бирлашма ва шу каби бошқа ташкилотларда ўтилиши диплом ишининг сифатли бажарилишига ҳамда ашёлар тўплашга катта имкон беради. Шунингдек, диплом олди амалиёти ҳар бир бўлажак рассомнинг мустақил ижод қилиши учун ўзига бўлган ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Бадиий Академияси тизимиға кирган рассом мутахассислар етишириб, уларни катта ҳаётга, яъни тасвирий санъат соҳаси бўйича ижодий жараёнга кириб боришига тайёрлайдиган ўқув юртларининг мақсади Ватанимизга юқори даражадаги малакали мутахассислар етказиб беришдир. Бунинг учун билим юртини битирадиган ҳар бир талаба, албатта, малакавий битирув иши сифатида рангтасвирнинг бирор жанри асосида етук, композицион жиҳатдан пишиқ асар яратиши ва ўзини шу ижодий ҳаётга тайёрлигини, билим даражасини кўрсатиши лозим.

Шуни назарда тутган ўқув юртларининг дастури ва режасида амалиётни ўtkазиш бўйича маҳсус мавзу ва бўлимлар номи, умумий юкламаси, дарслар тури бўйича соатлар тақсимоти берилган. Амалиёт мавзулари қўйидаги тартибда ўтказилади:

1. Амалиёт ҳақида сухбат;
2. Композицияга зарур бўлган кўринишларнинг чизматасвири, рангтасвирлари ва мавзуга хос маълумот тўплаш;
3. Асадаги қаҳрамонлар қиёфалари ва кийимлари устида ишлаш;

4. Тұпланған ашёларга асосан асарнинг аниқ үлчамдаги композициясини яратиш;

5. Тарихий мавзудаги асарларда қаҳрамонлар кийимларининг нақшинкор күриниши ва асбоб-анжомлари, тарихий шахс образлари, интеръер ёки эпик манзараптар күринишига ашёлар түпласш;

6. Амалиёт якуни (күргазма).

## ДИПЛОМ ОЛДИ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА СУХБАТ

Диплом олди амалиётида битирувчи талабаниң танлаган ва тасдиқланған мавзуси асосида алоҳида режа ишлаб чиқилади. Мавзуга табиат манзарапари, хилма-хил дараҳтлар күриниши, ҳайвон турлари ва уларнинг ҳолати, одам қиёфалари, ҳолатлари, типажлар ҳақида ҳар бир амалиётчи үзига режа тузиб олиб, шунга асосан борадиган жойни аниқлаб олиши амалиёттинг муваффакиятини ва самарадорлигини таъминлайди.

Агар тарихий мавзуда асар яратылмоқчи бўлса, музейларга, қадимий шаҳарларга, үлкаларга ижодий сафарга бориб ишлаш режасини раҳбар-ўқитувчи иштирокида тузиши шарт. Чунки бу амалиёт ўқув жараёнининг мухим қисмларидан бири бўлиб, малакавий битирув ишини муваффакиятли чиқишига замин яратади.

Диплом олди амалиётига боришдан аввал диплом амалиёти раҳбари йўл-йўриқ кўрсатувчи сұхбат олиб боради. Бундай сұхбатни ўтказишдан мақсад талабаларни амалиёт даврида баъзи бир қийинчиликларга дуч келиб қолишининг олдини олишдан иборат.

Диплом раҳбари талабаларга амалиётга қапдай тайёргарлик кўриб бориш кераклигини тушунтиради на маслаҳат беради.

Талабалар амалиётта қуйидагича тайёргарлик кўришлари лозим:

– кораламалар учун қоғозларнинг турли тусдагиларни,

максус акварель бўёги ва акварелда ишлаш учун қозг (таршон) тайёрлаб олишлари;

– қоралама учун ретуш, турли хил қаламлар, пастел, соус ёки сангина олиб боришлари;

– рангтасвир учун максус анжомлар: этюдник, акварель бўёги, сув идиши, мойбўёқ, мўйқаламлар, палитра, грунт қилинган картон ёки мато, соябон, йиғиладиган ўриндиқ олишлари;

– чизматасвир учун ҳам көгознинг максус турларини олиш зарурлигини алоҳида тушунтириш кераклиги мақсадга мувофиқдир.

## АМАЛИЁТНИНГ МАҚСАДИ

Устахоналарда ўқув жараённида қўйилмалар(постановка) хона ичидаги бўлиб, кўпинча бир томондан ёритилади ва унинг турлари бирмунча чегараланган. Аммо пленер амалиёти эса борликни табиий ҳолда кузатиш ва уни тасвирлаш анча мураккаб бўлиб, ёш рассомни умуман бошқа дунёга олиб киргандай бўлади. Муҳитни табиий ҳолда акс эттириш маҳоратини оширади, ранг кўриш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Табиятдан мавзуга керакли ашё тўплашда унинг бадиийлигини илғаб олишга катта ёрдам беради. Рассом томонидан бажарилган ҳар қандай тасвир томошабинга ёқимли, эсда қоларли образларда бўлиши катта маҳоратни талаб қиласди. Бу эса ижодкорнинг асосий вазифасидир. Амалиётнинг мақсади ҳам ёш ижодкорни ранглар оламига олиб кириш ва бадиий дидини ривожлантиришдан иборатдир.

Рангтасвир фанини 4 йил ўқиши жараённида дарсларда, ўқув амалиётида, очик ҳаво (plenер) амалиётида, ишлаб чиқариш амалиётларида олинган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш айнан малакавий битириув иши олди амалиётида амалга оширилади. Бу жараён табият шаклларини ўрганиш амалиётидан бошланади.

## АМАЛИЁТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ЎТАШ ТАРТИБИ

**1. Очиқ ҳаво(пленер)да ишлаш.** Амалиётнинг биринчи қисми ҳайвонот боғида, яъни жониворларни тасвирлаш билан ўтади. Талабалар ҳаракатдаги ҳайвонларни ўзига қараб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини, тузилишларини, шаклларини тасвирлаш усуллари билан танишиб чиқадилар, ҳайвонлар ва қушларни ўзига қараб расмини солиши билан кейинги курсларда мавзули композициялар базасига эга бўладилар.

Бу амалиётни ўташ учун бўлгуси рассом мустақил ра-вишда ҳайвонларни ва қушларни анатомик тузилишини, ҳаракатларини ўрганиб чиқиши зарур бўлади.

Амалиётнинг иккинчи қисми ўкув юрти тавсияси билан ботаника боғида ўтади. «Табиат шаклларини ўрганиш» амалиётнинг асосий мақсади жонли табиатга қараб расм солиши усулларини хомаки чизматасвиirlар орқали ўзлаштирадилар.

Ўкувчилар ботаника боғида турли манзарали дараҳт турларини, ўт-ўланлар тузилишини, майда дараҳтларни хомаки расмлар, график ва рангтасвиirlда тасвирлашни ўрганадилар. Дараҳтларнинг тана тузилишини, ҳар бир дараҳт турини ўзига хослигини, унинг пўстлоғи кўринишини, фактурасини, рангини фарқлаб тасвирлашга ўргандилар.

Шундан сўнг амалиётнинг иккинчи қисмida тўплаган таж-рибаларига суюнган ҳолда жонли табиатда тасвиrlаган материаллар асосида алоҳида композициялар яратишлари лозим.

**2. Очиқ ҳавода натура ишлаш.** Бунда одам қиёфаси ёки унинг чехраси(портрети)ни ишлашда ранг жилоси, рефлекслар, туслар мажмуасига катта эътибор берилади.

### **3. Санъат асарларини ва меморчиликни ўрганиш.**

Бу амалиётда музейлардаги буюк рассомлар яратган асарлар билан танишадилар ва таҳлил қиласидилар. Картина композицияси қурилмасини, ранглар мажмуасини, колоритини син-чиклаб ўрганиб чиқадилар.

**4. Нусха (музейда) күчириш.** Нусха күчириш амалиёти музейларда амалга оширилиб, ҳар бир талаба раҳбар тавсиясига кўра нусха олиш учун асар танлайдилар ва нусха күчирадилар.

**5. Диплпом олди (яъни, малакавий битрув иши) амалиёти.** Диплом олди амалиётида ҳар бир битирувчи талабанинг танлаган ва тасдиқланган мавзуси асосида корхона, кишлок ва табиат қучоғига ижодий сафари амалга оширилади. Расомнинг ўз ижодий йўналишини топишида ва бадиий дидини ривожлантиришда бу амалиётнинг аҳамияти катта.

Амалиётнинг *иккинчи қисмида* тўпланган тажрибаларга суюнган ҳолда жонли табиатда тасвирлаган материаллар асосида алоҳида композициялар яратишлари лозим.

Амалиёт талабаларда жуда нозик дидни ўстириш, нафақат рангни ва ёруғ-сояни кўра олишни, балки уни гўзал томонларни кўриб тасвирлай олиш малакасини ривожлантириши керак.

Рангда тасвирлагандаги табиат акслари бошланишиданоқ муаллиф ўзи севган оламнинг пардасини очгандай, биринчи ранг доғидан бошлаб дастлабки ранг аккордини олиб, то охиригача янги, ҳеч ким кўрмаган ранг оҳангини яратиши лозим. Бўлажак рассом бутун табиатни, қолаверса, борлиқни нозик сезиши ва сидқидилдан севиб қолиши шарт.

Корхона шароитида ёки ботаника боғида амалиёт ўташдан асосий мақсад талабалар амалиётнинг биринчи қисмида ўрганган ва ўзлаштирган малака ва тажрибаларини жонли табиатнинг ўзида хомаки расмларсиз, хотирадан, хаёлан кўз олдига келтириб бажаришларидан иборатdir.

Табиат шаклларини ўрганиш амалиётнинг бош вазифаси бўлғанлиги сабабли асосан табиатдаги ўсимликлар дунёси, уларнинг шакллари, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари кузатилади ва табиий рангда расм солиш сирлари ўрганилади. Бундан ташқари, талабалар табиатни бўёқларда тасвирлаб, бадний имкониятларини шу корхона, устахона ва табиатда тажриба асосида оширишлари керак.

*Амалиётти ташкил этишида* амалиёт ўташ жойлари олдиндан режалаштирилиб, бориладиган объектлар танланиб раҳбарлари билан келишилади: *Биринчи қисми ҳайвонот ва ботаника боғи, қишлоқлар, дам олиш масканлари кабилар булиши мумкин. Иккинчи қисм рассомларга тегишли устахона ва корхоналарда, шаҳар ва табиат кучоги, музейларда ўтказилиши мумкин.*

*Амалиёт ташкил этиши учун зарур шарт-шароитлар:*

1. Амалиёт ўтказиш учун раҳбар;
2. Корхонадан назоратчи инженер;
3. Рангтасвир дастгохлари;
4. Амалиёт ўташ жойи билан танишиш;
5. Корхона ишлаб чиқариш усуллари билан танишиш;
6. Галабаларни амалиёт ўтказиладиган жойнинг ички қонун-қоидалари билан таништириш;
7. Мехнатни муҳофаза қилиш қоидалари билан таништириш;

*Амалиёт ўтиши қоидалари ҳақида тушунтириши.*

1. Қаламтасвир, гурли ашё ва воситалар билан ишлаш;
2. Ҳаракатдаги ҳайвонларнинг расмини солини (хомаки чизма тасвир). Анималистик санъатни ўзлаштириш.
3. Чизматасвир шаклидаги расмни тушунтириш.
4. Ранг ҳақида тушунча бериш.
5. Хомаки этюдлар. Тугатилган буёкли этюдлар ҳақида маълумот бериш.
6. Стиллаштиришни тушунтириш.
7. Композиция учун мустақил ашё(маълумот) түплаш.
8. Амалиёт тўғрисида ҳисобот бериш.

*Бериладиган вазифалар:*

Ранг (мойбӯёқ, гуаш, акварель, пастел.)даги этюдлар, қоралама (шунийгдек зарисовка)лар, гризайл, гуаш билан рамзли стиллаштириш эрталабки, тушики, кечқурунги қуёш ёргулигига этюдлар ишлаш одам чесрасини ҳар хил ёргуликда ишлаш.

## АМАЛИЙЁТДА ЁШ РАССОМНИНГ ШАКЛАНИШИ УЧУН ҚОРАЛАМАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳар бир мусаввир санъатнинг қайси соҳасида ишламасин, у доим атрофни кузата олиши керак. Юзлаб ва минглаб одамлар ҳар куни қандайдир, у ёки бу ҳодисанинг ўтаётганини сезмай қоладилар ва унга лоқайдлик билан қарайдилар. Ҳақиқий рассом фақатгина иш вақтида кузатмай, балки доимо, қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар, хаёлан атрофни кузатиб боради. Ўз умрини санъатга бағишилаган инсонларда кузатувчанлик одати шаклланади ёки шартли рефлексга айланади. Илья Ефимович Репин ўз хотиралари ҳақида ҳикоя қилиб; «Мен Аир қизининг тирилтирилиши» номли диплом ишишни бажарган вақтимда узоқ вақт болалик хотираларимни эсламагунимча ҳеч нарса чиза олмадим... Унинг онаси ҳолсиз, ётар эди. Шамлар, қандайдир илиқлашиб, ўзининг гарифона нури билан кундуз куннинг ҳаворанг нури билан аралашиб кетар эди. Тезда ишиш енгиллашиб, юришиб кетди ва қисқа вақтда ажойиб картина яратса олдим» – деб ёзади.

Ёш рассомлар қанча кўп кузатишга ўрганса ва кузатишлирини бир тизимга келтириб тартибга солса, бу келажакда ўз маҳсулини беради.

Қораламалар устида ишлаш жуда муҳим, буни Уйгониши даври рассомлари ижодида ҳам кўрамиз. Тасвирий санъатга ўргатиш тизимини такомиллаштириш учун ўтган давр рассомлари чизматасвир, рангтасвир ва композиция фанларининг назариясини асослашга ўрганганлар.

Чизматасвирга ўргатиш айнан натурани тасвирилашдан бошланган. Буни биз ҳар бир илмий изланишда (трактатда) кўрамиз. Масалан италиялик рассом Ченнино Ченнини «Рангтасвир трактатида» шундай ёзади: «Шуни англиши керакки, жуда зукко йўлбоиши, зафар арқидан санъатга етакловчи жараён бу натурага қараб чизишдир. Бу ҳамма намуналардан устун турувчи йўл.

Леонардо да Винчи ўз эса изланишларида шуни таъкидла-

ган: «Чизматасвирга ўргатиш асосини нарсага қараб чизиш деб биламан. Натура (нарса) ўкувчани предметларнинг тузилишини сезишга, ўйлашга ва фикрлашга ундан, ўз ўрнида ўрганиш самарасини оширади».

Айнан ҳамма даврда рассомлар ёш рассомни ўқитиша асосий эътиборни натурадан чизишга, табиагни ўрганишга қаратган. Чунки бу йўл бўлажак рассомни реал борлик билан яқинлаштиради, илмий нуктаи назардан ҳаётни характерли томонларини сезишга ва шакл куриш қонуниятларини тушунишга олиб боради. Ҳақиқатдан ҳам бу йўл теварак-атрофни ўрганишни фаоллаштиради, чунки ҳар гал натурани аниқ ва янада жозибалироқ қилиб қоғозга туширишга интиламиз. Борлик ҳақидага таассуротларимиз бу машқлар орқали конкретланишида, чунки кўзимиз олдидаги натура бизга яқин, уни кўрамиз, сезамиз ва ўлчамини аниқлай оламиз.

Еш рассом чизганда, чизиқлар орқали шаклнинг ҳажмини чиқаришга интилади ва уни аникроқ тасвирилашга, сиртини, ҳажмини кўрсатишга уринади. Қораламалар устида ишлаш ўкувчида фазовий тасаввурни кенгайтириб, борликни унданда теранроқ англашга йўл очиб беради.

Ҳар бир нарса тасвири ёш рассомга уни конструктив тузилишини билишга, ҳар бир қисмни бир-бирига бирикиш қонунларини, ҳажмни фазода туришини тушунишига ёрдам беради. Расм ишлаш жараёнида ўкувчи предметни нафақат ташки тузилишини, балки унинг моҳиятини чуқурроқ англаб, таҳлил қилишга ўрганади. Шунинг учун қоралама чизиш ўкувчидан турли фанларни масалан, перспектива асосларини, пластик анатомияни, конструкцияни ва нисбатларни ўрганишни талаб қиласди.

Ҳар кунги машқлар натижасида ўкувчи онгида жуда катта умумий ривожланиш рўй беради. Асосийси, қоралама устида ишлаш ўкувчида ҳаёт гўзаллигини ҳис этиш ва тушунишга ундейди. Атрофдаги гул, дарахт, манзара, одамларни тасвирилаш орқали у табиатнинг бебаҳо бойлигини, бетакрор гўзаллигини,

хилма-хиллигини күриб, изланувчанлиги ривожланади ва бадийи диди үсади.

Күпчилик рассомлар ва ҳатто ёзувчилар ҳам кундалик тутадилар ва үzlари билан ён дафтарча олиб юрадилар. Унга эшитган сүз ва иборани, табиат ва одамлар устида олиб борилган тадқиқот ва кузатишлар асосидаги ўз фикр-мулоҳазаларини, таассуротларини ёзиб борадилар.

Композиторлар халқ қўшиқларини, қуйларини эшитган заҳоти ёзиб оладилар. Рассом эса ўзига қизиқ туолган нарсаларни, чизгиларга тушириш учун альбом билан қуролланади. Ана шундай альбомни ҳар бир бошловчи рассом тутиши керак бўлади.

Рассом ўз устахонасида ишлаш билан чегараланиб қолиши керак эмас. Табиат билан, ҳаёт билан, яқинлашиши лозим. Қораламалар учун тутигланган альбом келгуси ижодий баркамол асарлар яратишига ёрдам беради.

Бошловчи рассомлар учун нарсанинг ўзидан қоралама қилиш зарур. Қоралама қўлнинг эркин харакатланишини, қўзнинг қараш ишончини ва асосий мутаносиблигини тезда, хатосиз, майда-чуйдаларга эътибор бермасдан англаб олиш каби хислатларни ривожлантиради.

Қораламалар билан кўп шуғулланган талабалар синфда кўйилган намуналарни ёки вазифаларни бемалол чизадилар, тўғри тасвирлайдилар. Нарса буюмларни чиройли жойлаштирадилар ва уларнинг муҳим жихатларини тез англаб оладилар.

Бундан ташқари, ёш рассомлар ўз альбомига чизгиларни тасвирлаб ва улардан архив сифатида фойдаланиб боришлари мумкин. Ана шундай йифилган навбатдаги архив иш вактида мусаввир учун композицияларни ёддан, ҳеч қандай натурасиз ишлашда жуда катта ёрдам беради.

«Ҳеч бир одам шахсан ўз юрагидан, қалбидан образ яратма олмайди. Қачонки, бу нарсани кўп сонли чизгилар туфайли ўз онгидагина унга эга бўлади», – деб айтган эди Альбрехт Дюрер.

Ёш рассомлар иккита альбом сотиб олишлари ёки ўзлари тайёрлашлари мумкин. Қоғознинг сифати алоҳида роль ўйнамайди. Биринчи альбом чўнтақда олиб юриш учун қулай бўлиши керак, иккинчи альбом тез, унча катта бўлмаган чизгилар учун хизмат қилиши лозим. Кичик альбомнинг қулагилги шундаки, мусаввир атрофини ўраб оладиган қизиқувчан томошабинларнинг эътиборини ўзига жалб қилмайди ва ҳар қандай жойда қоралама ишлаши мумкин. Бундан ташқари, кичик ўлчамли альбомни доимо ўзи билан олиб юриш қулай бўлади ва у одат тусига кириб қолади.

Рассомлар катта альбомдан тугалланган чизгиларни келгусида етук картина кўринишига етказиш учун фойдаланишади.

«Табиатда нимани топсанг, ана шуни тасвирлашини урханишида ҳаммадан аввал табиатга эргашии керак. Осмон, ер, денгиз, жониворлар, хушифеъл ва баджаҳл одамлар, ҳаммаси бизнинг машқимиз учун хизмат қиласди», – деб ёзади Рембрандт Ван Рейн.

Талабалар буюк рассомлар томонидан бажарилган қораламаларни ўрганишлари шарт. Диққат билан кузатсан, қораламада кичик, аҳамиятсиздек туюлган чизгиларнинг моҳирлик билан жойлаштирилганлигини сезамиз. Улардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Чизгилар ҳар хил рассомлар томонидан ишланган ва мавзулари турлича бўлса-да, уларнинг ҳаммаси умумий сифатлари билан маълум аҳамиятга эга. Биз уларни кузатиш вақтида кўп машқлар ва ўта аниқ мутаносиблик билан ишланганлигини сезамиз. Рассом асосан энг муҳим, энг диққатга сазовор хусусиятларни илғай олиши керак. Айниқса, одамнинг турли ҳолатига, нарсаларнинг мутаносиблигига, уларнинг асосий хусусиятларига катта эътибор берилганини кўрамиз.

Кўп бора машқ қилмасдан, унга одатланмасдан туриб қоралама қилиш жуда қийин. Бошланишида сиз майда-чўйда билан чалкашасиз ва мутаносиблиқда хатога йўл кўясиз. Яхши қоралама қилишни ўрганиш учун аввал юзлаб қораламалар чизишни машқ қилиш лозим. Ёнда сизга амалиётдаги

шүгүлланишлар катта ёрдам беради. Бунинг учун кунига маълум бир соатлар давомида қораламалар билан машғул бўлиш яхши натижа беради.

Бугун кечагидан яхшироқ ишлаётганлигингиз бир ҳафтадан кейин эса тажрибангиз анча ошиб бораётганлиги кўринади. Ҳар кунги машқлар натижасида рассом ўз йўналишини тўғри танланлигига ишонч ҳосил қилиб боради.

Доимий машқ қилиш натижасида рассомлардан тезлик, аниқлик ва ишонч талаб қилинади. Бу қозоз ва буёқларнинг керагидан ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Бунга эътибор қилмасдан, руҳан тушкунликка тушмасдан, сидқидилдан, қатъий изланишда давом этиш керак.

Бошланишда сиз ўзингизга ҳаракатсиз ва кам ҳаракатли моделларни танлашингиз тавсия қилинади. Ҳаракатсиз моделлар: тик турган одам ёки бирор бир мулъжни тез ва аниқлик билан нозик қалам чизиқлар ишлатиб қоралашгага, асосан шакл ўзлигини ва тузилишини илғаб олишга уриниш лозим.

Қораламалар учун кўмирчўп ишлатиш тавсия қилинмайди, чунки кўмирчўп ҳаддан ташқари қўпол ва йўгон, ҳамда титилувчан бўлиб, графит қаламларга нисбатан мустаҳкамлиги анча паст. Кўмирчўп ишнинг тезлигини пасайтириб, қийинлаштиради.

Биринчи курс талабалари учун натюроморт ва ҳайкаллар ишлаш қулай. Бу машқларни оддий ва қизиқарли кўринишда бажариш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир машғулотни олдиндан атрофлича ўрганиб чиқиб, тури томонидан кўплаб қораламалар ишлаш лозим.

Бу машғулотлар ўқув-академик топшириқларни янада чукурроқ ўрганишда ёрдам беради. Талабаларни зерикарли қораламалар билан санъатдан совутиб юбормаслик учун қизиқарли, уларнинг ўzlари севиб бажарадиган топшириклар асосида кўпроқ машқ қилдириш керак. Амалиётни ҳайвонот боғида, тогда, табиат кўйнида, дам олиш базаларида ўтказиш катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот богида ранг-баранг қушларни, турли хил катта-  
кичик ҳайвонларнинг дам олаётган ва ҳаракатдаги ҳолатларини  
қоралама орқали ўрганиш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади.

Табиатда тоғу-тошлар гўзаллигини кузатиш, тоғда  
шарқираб, тошдан-тошга урилиб тушаётган сувларни, барк  
уриб ривожланаётган дала гулларини ва ўсимликларни тас-  
вирилаш, табиатнинг ўзгарувчан кайфиятини, куёшли ёки бу-  
лутли ҳолатларини, эрталабки тонг, туш вақти, кунботар ва  
ҳоказоларни ишлаш бўлажак рассомнинг маҳоратини ва касб-  
га бўлган муҳаббатини оширади.

Кейинги курсларда тарихий обидалар ва меморий ёдгор-  
ликларни ўрганиш мақсадида қадимий шаҳарлар Самарқанд,  
Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларга ижодий сафарлар  
қилиш билим даражасини янада ривожлантиради.

Қишлоқ ва бозорларда бўлиб, ёши улуғ қарияларни,  
сұхбатлашиб турган одамларни, далаларда ўтлаб юрган мол-  
ларни, бозордаги савдо-сотиқ ҳолатларини ишлайн бўлажак  
рассом учун жуда зарур.

Асарлар яратиш жараёнида ана шу кузатишлар, ишланган  
қораламаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, ёш ижодкор-  
ларнинг тассавур доирасини кенгайтиради.

### Назорот учун саволлар:

1. Амалиёт учун қандай асбоблардан фойдаланилади?
2. Амалиётда қораламанинг қандай ўрни бор?
3. Амалиётнинг рассомлар учун қандай аҳамияти бор?
4. Амалиёт неча турдан иборат?

## АМАЛИЁТДА МУСТАҚИЛ РАВИШДА ЧИЗМАТАСВИР ВА РАНГТАСВИР ИШЛАШ ЖАРАЁНИ

Талаба ҳайвонот боғида бўлган вақтида аввал мазкур боғнинг умумий кўринишини, масалан: киришда олд фасадни, «Ҳайвонот боғи» деб ёзилган ёзувларини дарвозанинг умумий ҳолатини қаламда бир нечта вариантларда ишлаши мумкин. Шунингдек, ҳайвонот боғини, унинг ҳудудини ёки ҳайвонлар, қушлар ва турли хил жониворлару-жонзорлар яшаётган қафаслар ва инларнинг характерли хусусиятларини тасвирилашда акварель ёки гуаш каби тез ишлаш мумкин бўлган бўёклардан фойдаланиб, уларнинг рангтасвириларини мустақил чизиб оладилар.

Бундай ишларни бажариш агар бошлангич курсда ўқиётган вақтларида талабалар томонидан бажарилган бўлса, бу уларнинг келгусида бирорта катта санъат асари яратиш вақтида ашёвий тўплам бўлиб хизмат қиласди. Чунки ушбу мустақил, эркин ҳолатларда ишланган тасвиirlар айнан шунга ўхшаш мавзудаги диплом иши учун тайёр ашёвий манба бўлиб хизмат қиласди.

Боғ ва ундаги биноларни унинг ҳар бир характерли кўринишларини қўшиб тасвирилаш орқали амалга ошириш лозим. Масалан, ҳайвонот богининг кўринишларини билдириш мақсадида иш тасвириланган ҳар бир жойнинг ҳайвонот боғи эканлигини дарҳол билдириш учун қушлар сакланадиган сим тўрлар билан ўралган инларни, тасвирилаш чоғида айнан шу кушларни томоша қилаётган болалар билан ёки бошқа томошабинлар билан ифодалаш катта самара беради.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир жониворни уларнинг характерига қараб, катта-кичиклигига ва томошабинларга хавфли ёки хавфсизлигига қараб, қафаслари бир-биридан фарқланиб туради. Масалан, кушлар ва майда кемирувчиларнинг инлари симтўрлардан ёки ойнасифат ашёлардан қурилган бўлса, йиртқич ҳайвонларнинг (йўлбарс, шер, қоплон, айик, бўри,

тулки) қафаслари бакувват темир арматуралардан ясалади. Шунинг учун ҳар бир қафаснинг ўзига хослигини, алоҳида хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда чизматасвири ёки қораламаларини ишлаб бориш айни муддао бўлади. Бунинг учун ўша қафас ичидаги ҳайвон ёки жониворлар билан бирга тасвирланиши керак.

## ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ТАСВИРЛАШ

Энди талаба ҳайвонот боғи билан танишиб, унинг қўринишларини тасвирлаб олди. Демак, чизилган турли хил қораламалар ва чизматасвирлар орқали бу ҳайвонот боғи эканлигини дархол тушуниш мумкин. Кейинги вазифа ҳар битта ҳайвон ва жониворни бирма-бир эринмасдан ўзига хос қўринишлари қораламаларини ва чизгиларини бажаришдан иборат бўлади. Сабаби, ҳар бир ҳайвон ва жониворларнинг ўзини тутиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, уларга эътибор бериб синчилаб тасвирлашда қандай ашё билан ишлашни билиш керак. Масалан, кушларнинг кўпчилиги тез-тез ҳаракатда бўлади. Шунинг учун уларни фақат қораламасини ишлаш керак.

Лекин қушлар орасида ҳам узоқ вақт бир жойда туриб қоладиганлари бор, масалан: турналар, лайлакларнинг бир неча турлари, оқ кушлар, бургутлар, бойўғли ва бошқалар. Шундай кушларни тасвирлашда қалам, кўмирчўп ёки ретушдан фойдаланиш мумкин.

Катта гавдали ҳайвонлар эса аксинча кўп ҳолларда бир жойда кўпроқ туриб қолиши ёки дам олиб ётиши маълум. Бундай ҳолатда шу каби ҳайвонларни бир йўла қораламасини, чизматасвирини, ҳатто рангтасвирини ҳам ишлаш мумкин.

Мазкур кушларни акварель буёқда, гуашда ва мойбуёқда ҳам ишлаш мумкин. Бундай ҳолда талабалар иложи борича ҳар бир бўёқ турларидан фойдаланиб, алоҳида-алоҳида тасвирлар ишлашга ҳаракат қилишлари керак. Чунки ҳар бир бўёқ тури-

да ишлашнинг ўз усул ва услубияти мавжуд. Агар шу услубни мукаммал ўзластириб, бир нечта амалий ишлар бажара олса, келгусида у бўйича бадиий юксак асарлар яратади. Демак, бу уч хил бўёқ тури талабаларни турлича самара берадиган ишлар яратишга ўргатади. Натижада, ўз маҳоратларини ошириб бориш учун имкон пайдо бўлади.


Кушларни тасвирлашда, уларни гурухли бўлган ҳолатларини, алоҳида турган ҳолатларини таққослаб солиштириб бориш лозим. Агар, бир-бири билан таққослаб, солиштириб чизилса, ҳар бир амалиёт ўтаётган талаба ўша кушларнинг турли ҳолатларини хотираларида сақлаб қоладилар. Бу нарса асар композициясини яратиш вақтида ниҳоятда катта ёрдам беради.

Ҳайвонот боғига борганда албаттага аввал кузатиб жонзотларни нақадар гўзал, ранг-баранглигини кўриб ҳайратланиш мумкин. Бу кузатишлар ҳаёт хақидаги таассуротни анча кенгайтиради. Сиз атрофни аввалгидан чуқуррок ва теранроқ сезиш ва бошқалардан кўпроқ деталларни кўра бошлишингиз мумкин. Қанча кўп тасвирлар бажарсангиз, шунчалик қўлингиз тезроқ, аникроқ ишлай бошлайди. Кушлар ва ҳайвонларнинг тузилишини энг нозик шакл ўзгаришини сеза бошлайсиз ва қораламаларнинг гўзал, нафис ва саводли бўлади.

Ҳамма ҳайвонларни умумий тузилиши мавжуд.

1. Боп ва юз қисми.
2. Умуртқа поғонаси.
3. Кўкрак қафаси.
4. Елка қисми олд оёқлари билан.
5. Тос суяклари орқа оёқлари билан.

Ҳайвонларни тасвирлашда бу шакл нисбатларини ва тузилишини ҳамиша ёдда сақлаш керак. Ҳар доим бирор ҳайвонни чизганда сиз бу конструкцияни устки шакл остидан кўра билишингиз ва сезишишингиз керак. Баъзан ҳайвон ташки кўриниши жуда кенг, ҳажмли, мураккаб бўлади, лекин улар остидаги скелетни «кўриб» сезиш, тасвирланган ҳайвонга ўхшаш, жозибали ва ҳақиқий чиқишига сабаб бўлади.





1-расм. Оқ айқ үа зебра. Кораламалар.



2-расм. Укки. Қоралама.



3-расм. Айик. Кораламалар.



4-расм. От. Коралама.

Мускуларнинг елка қисмида жойлашишига ва бирикишига эътибор бериш керак. Бу механизмни яхши тушунсангиз, ҳайвонларнинг ҳаракатини тўғри ва аниқ тасвиrlайсиз. Нихоят, яна бир муҳим жараён – бу ҳайвонларни бош тузилишини ўрганишдирдир, ҳамма ҳайвонларнинг бош тузилиши иккита бир хил бўлимдан иборат:

Бош қисми бир-бирига үхаш, лекин фарқи уларнинг нисбатларида. Бу нисбатни Кампер бурчаги орқали ўлчаш мумкин (бу бурчак француз рассоми Кампер томондан кашф этилган). Бу бурчакнинг бир томони бурун учидан кулоқ асосигача ўтади, иккинчи томони эса бурун учидан пешонанинг энг баланд нуқтасигача. Масалан, одамда у 75–80 даражада бўлса, итлар ва мушукларда 35–40 даражада, отларда эса 11–12 даражада, чунки уларнинг тумшук қисми жуда узун.

Мана шу маълумотни билиб олиб, ҳеч қачон унутмасдан, расмга мосланган ҳолда ишлатишингиз керак, қолгани эса сизнинг шахсий амалиётингизга ва зукколигингизга боғлик.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳайвонот богида турли хил ҳайвонларнинг кўринишларини, қоматларини ифодалаш ҳам амалиётнинг асосий машғулотларидан бири ҳисобланади. Чунки турли ёввойи ҳайвонларни, ҳайвонот богидан бошқа жойда кўриш осон эмас. Демак, уларни топиб, чизиш ҳам осон бўлмайди. Шунинг учун, ҳайвонот боғидан унумли фойдаланиш керак. Энг ноёб, камдан-кам учрайдиган, кам кўринадиган, ноёб ҳайвонларни бирма-бир, турли хил кўринишдаги ҳолатларини тасвиrlаш бўлажак рассомлар учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Масалан, жирафа, каркидон, тимсоҳ, фил, зебра каби ҳайвонлар факат Африкада ёки Ҳиндистонда яшайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос кўринишга, рангга, ноёб характерга эга. Айниқса, уларнинг шакллари ҳам қизиқарли ва у ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди.

Австралияда яшовчи, кенгурунинг ҳам ниҳоятда ажойиб ноёб кирраларини тасвирлаш катта аҳамият касб этади.

Зебра – Африкада яшовчи, яшаш тарзи ўзига хос бўлган ҳайвон бўлиб, терисининг ташқи кўриниши ола-була, йўл-йўллиги билан дикқатни ўзига тортади. Зебралар аҳил оила бўлиб яшаши, ётиш-туриши, қайсар характерлилиги ва шакли томошабинни қизиқтиради. (1-расм)

Шунинг учун, бундай ноёб ҳайвонларни, уларнинг эътиборга лойиқ қирраларини, қораламаларини, чизгиларини, иложи борича этюдларини ишлаш мақсадга мувофиқ . Ноёб ҳайвонлардан бири оқ айик бўлиб, шимолий дengиз бўйларида яшайди. Оддий қўнғир айикдан ўзининг тузилиши, рангининг оқлиги, яшаш тарзи билан ажралиб туради. Айниқса, уларнинг болалари ва жуфти билан ҳаёт кечиришлари рассом эътиборини ўзига жалб қиласди. Масалан: уларни қишида, қорли, оппок манзарада, сувга сакраб тушиб, у ердан баликлар тутиб олиб, қирғоқча чиқиб, болалари билан ўлжаларини ейишашётганда ва яна қирғоқдан сувга сакрашларини тасвирлаган ҳолда қизиқарли композицион тасвирлар ишлаш мумкин. (2-расм)

Эндиги навбат қўнғир айикларга келади. Уларнинг оқ айикдан фарқи – ўзгача эканлиги, болаларининг қизик ҳаракатлари. Ўзларини тутиши, турли хил меваларни ейишлари кўплаб қораламаларни яратишга асос бўлади. (3-расм)

## БОТАНИКА БОҒИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН АМАЛИЁТ

Ҳаммамизга маълумки, табиат манзарасини тасвирлаш энг асосий ва зарур машқлардан ҳисобланади. Шунинг учун рассомлар ер юзидаги барча жониворларни, турли хил буюмларни, шу жумладан, ўрмонзорларни, турли-туман ноёб ўсимликларни тасвирлай олишлари ва ёдда сақлай олишлари шарт.

Ёш рассомларни ўқитиш бир вактнинг ўзида бир нечта мутахассислик фанлар яъни чизматасвир, рангтасвир ва композиция бўйича олиб борилади.



5-расм. Алишер Мирзаев. «Гурзуф» 1986 и.



6-расм. Ўсимликлар. Қораламалар.

Рангтасвир билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар қандай рас-  
сом чизгиларни билмаса, натурадан тасвирлаётгандарида ёр-  
дамга уларнинг муҳтожликлари сезилиб қолади. Оддий йўл  
билан мутаносибликларни аниқлай олмасалар, ҳамда перспек-  
тиванинг оддий элементар кузатиш услубини билмасалар, хеч  
қандай буюмни тўғри тасвирлай олмайдилар ва ҳатто уларни  
тасвирловчи текислика жойлаштира олмайдилар.

Ёруғ-соя қонуниятларини, ҳамда тусли рангтасвирни яхши  
 билмаган бошловчи рангтасвирчилар ашёни, буюмларнинг  
рангли ҳажмларини ва уларнинг фазовий ечимини жойлашти-  
ришни тўғри ҳал қила олмайдилар. Шунинг учун рангтасвир-  
ли этюдда пластик шаклларни ифодалаш асосий вазифа бўлиб  
қолади. Айникса, ҳажмли пластик шаклларни сезиш ва уларни  
тушуниш, айнан ёруғ-соя чизматасвир маҳсус босқичларини  
ўтаган бўлишлари керак.

Шунинг учун боғдаги ноёб ўсимликлар, табиат манзараси-  
ни тасвирлаш учун ўкувчилар кўплаб чизматасвир, этюдларни  
ишлашлари керак бўлади. Шу жараёнларни бажармасалар, улар  
очиқ табиатни манзара жанрида тасвирлай олишлари қийин  
бўлади. Шундай ҳолат содир бўлмаслиги учун биз, юқорида  
тавсия қилганимиздек, боғларда, ўрмонзорларда ёки кенг дала-  
ларда этюдлар ишлаш самарали натижা бериши мумкин.

Демак, ботаника богида ер юзининг узок мамлакатларидан  
келтирилган, ранг-баранг, шаклларга эга бўлган дараҳтлар-  
ни, гулларни, меваларни, оддий инсон бориб қўриши иложи  
бўлмайдиган табиатнинг инъомларини ўкувчилар қизиқиб, бе-  
рилиб тасвирлайдилар.

Шундай қилиб, ҳайвонот богида амалиётни ўтаган  
ўкувчилар дунёning турли мамлакатлари ҳайвонларини тас-  
вирлаш орқали ўша мамлакатнинг ёввойи табиатини бемалол  
тасвирлай оладилар. Шунингдек, ботаника богида амалиёт  
ўтайдиган ўкувчилар ўрмон, узоқ мамлакатлардан келтирилган  
бошқа ўсимликларни тасвирлай олишлари билан бир вақтда,

уларнинг тузилиши ҳақидаги таассуротларини ёдда саклаб қоладилар.

Натижада, ер юзидаги турли хил дараҳтлару, гулларнинг ноёб турлари қатнашган табиатининг табиий манзарадлари, композицияларни ёддан, янги композицион асарлар яратган ҳолда тасвирлай олиш маҳоратларини эгаллайдилар. Бунинг учун мазкур ботаника боғида амалиёт ўташ учун борган талабалар ва ўқувчилар ўша боғни, биринчи навбатда умумий кўринишини, ҳовлиларини, алоҳида-алоҳида майдонларини, ҳар бир мамлакатдан келтирилиб, ўстирилган ноёб дараҳтларни ўз жойида, гурух-гурухи билан бирга тасвирлашлари керак бўлади. Чунки ер юзининг ҳар бир мамлакати, унинг ёввойи табиати, ўсимликларининг ўзига хосликларини диққат-эътибор билан ифодалаш орқали ҳар бир ўқувчи ана шундай манзараларни композицион ифодалай олиши мумкин.

Шунингучун Греция ёки Америкада ўсадиган ёнғоқларнинг кўринишларини, уларнинг танаси, барглари ва меваларининг антиқа шаклларини тасвирлаш учун вақт ажратиб ишлашлари керак бўлади.

Буюк рассомлар аввало қаламтасвир бўйича катта маҳорат эгаси бўлганлар. Шакл конструкциясини ва шакл ҳажмини чиқариб бир тусли конструкциясини ишлагандан сўнг ранг билан бажаришга киришганлар.

Кўплаб буюк рассомлар, шунингдек таникли рус ранг-тасвирчилари аввало маҳоратли чизматасвирчилар бўлишган. Шундай рассомлар қаторига К.П.Брюллов, Ш.И.Шишкин, В.Е.Маковский, В.Д.Поленов, И.Е.Репин, М.А.Врубель, В.А.Серов, К.А.Коровин ва таникли ўзбек рассомлари Ч.Ахмаров, В.Ковинин, М.Сайдов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев ва А.Икромжонов каби рассомларни қўшиш мумкин. Улар яратган асарлар бу рассомларнинг чизматасвирчиликнинг маҳоратли билимдонлари эканлигидан далолатdir.

Рангтасвирда этюд ишлаётганда пластик шаклни билиш,

унинг ҳажми, мутаносибликларини тўғри тузиш, кўра олиш асосий вазифа ҳисобланади. Рассомда юқоридаги сифатлар бор бўлса, у ҳақида, унинг чизматасвирчилик қобилияти яхши дейишади. Шунинг учун, рангтасвирни чизматасвир билан алоқасиз дейиш мумкин эмас.

Объектнинг ҳажмини, шаклини, атрофни ўраб турган бўшлиқ, макон билан уларнинг ашёвийлигини ҳис қилиш керак. Масалан, бу хурмо дарахти бўлса, шаклини, ташки хусусиятларини, агар у кокос ёнғоги, ё ананас бўлса, шаклини, ташки хусусиятини, рангларини ҳам айнан ҳис қилиш лозим. Демак, Кончаловскийнинг сўзлари бўйича, агар биз рангтасвир ҳақида гапирсак, аввало чизманинг, рангда давом эттирилишини тушунишимиз лозим. Унинг ёрдамида рангли жойлаштириш чизмадан бошланади ва иш жараёнида асар этюди тузатилади, аниқлаштирилади.

П.П Кончаловский рангтасвирдаги чизманинг аҳамиятини кўриб чиқиб: «Ҳақиқий рангтасвирнинг, рангтасвирдаги услубий шаклини мутлақо аниқ, тўла-тўқис бера оловчи нарса бу ҳар бир дог», – деб таъкидлаган.

Агар рассом картина ишлашни бошласа, шунингдек, у безакчи, амалиётчи, маҳобатчи ёки педагог-рассом мутахассис бўлса, аммо реалистик чизгини эгалламаган бўлса, бундай ҳолда дастгоҳли рангтасвирнинг тўлақонли бўлмаган асарларини яратилишига, кўзбўямачиликка, тасвирланувчи воқеаларнинг моҳиятини чалғитиб кўрсатишга олиб келади.

Биз рангтасвирга ўтиш учун ҳар бир бошловчи рассом эгаллаши лозим бўлган чизматасвири бўйича маълум микдордаги билим ва малакаларни кўрсатамиз. Ушбу амалиётда бошланғич чизматасвир бўйича зарур бўлган назарий билимлар ва амалий малакаларни қўйидаги тартибда қўллаш мумкин.

Ўқувчилар боғни ички кўринишлари асосида яхлит этюдлар яратишлари мумкин, бирок бу ерда ҳам унча шошмаслик зарур. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир этюдни ишлаш-

дан олдин унинг таркибига кирадиган, тасвириланадиган барча деталларнинг чизматасвиirlарини аниқ, ишонарли тарзда белгилаб олиш керак. Ана шундан сўнг ранг билан ишлашни бошлиш мумкин. Масалан, ботаника богида палма барғлари ва меваларининг антиқа ҳолатлари, шаклларини ифодалаш чогида ҳар бир шакл деталини вақт ажратиб ишлашлари керак. Бунинг учун аввал ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос кўринишларини, қораламасини эринмасдан, аввал қалам билан ретуш ёки кора тушли чизувчи маҳсус ручкаларни ишга солиш ўринли бўлади. Чунки турли хил асбоблар билан тасвирилаш ўқувчиларни турли бадиий воситалар билан ишлай олиш малакаларини мустаҳкамлайди.

Бу вақтда биринчи бўлиб майда гулларни, нафис баргларни гаройиб шаклга эга бўлган кўринишларни оддий ва шу билан бир вақтда, томошабинни ўзига жалб этувчи хусусиятларини эътиборга олиб тасвирилаш талаба ишларини яхши чиқиши учун катта самара беради. Майда шаклли ўсимликларни чизиб бўлгач, катта шаклларни умумий яхлитликдаги маҳобатли дарахтларнинг характерли хусусиятларини эътиборга олиб, акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЭТЮДЛАРНИ БАЖАРИШ

Очиқ табиатда (пленерда) рангтасвири ишлашга ўтишда энг аввал кичик, мўъжаз ҳажмли этюдларни (ўлчами 15x20 см) ишлашдан бошлаб, унда асосий ранглар муносабатини топиш ниҳоятда зарур. Бунинг учун ҳаммадан аввал натурадан энг контраст бўйича (тусли ва муносабатли) доғларни, масалан, биринчи режадагисини узоқдагиси билан таққосланш керак. Мўъжаз ўлчамли этюдларни ишлаш натижасида деталларни бўлиб-бўлиб тасвирилаш каби камчиликлар йўқотилади, яъни бўлажак рассомлар натурадаги ҳар бир детални алоҳида ишлашга интилмасдан, аксинча, катта рангдаги муносабатлар-

ни күрадилар. Манзарали этюдларни ишлаш вақтида унча қийин бўлмаган сюжетни йифилған бўшлиқ билан (масалан, ҳовлиниң ёки боғниң бир қисмини бирорта уй билан) кўшиб ишлаш ҳолати танланади.

Катта масофада биз предметларни нафакат кичикроқ ҳажмда, балки хирароқ ҳам идрок этамиз. Чунки ҳаво мухити тиник эмас, унда сув ва чанг зарралари, ҳаво қатламлари мавжуд. Жазира мақаларда ҳавонинг ҳаракати ҳам кўзимизга кўриниб кетади. Бундан ташқари узоқлашганда предметлар нафакат бўйига ва энига қисқаради, кўриниши ҳам хиралашиб боради.

Этюд устида ишлаганда ёш рассомлар бир неча планни тасвирлашни ўрганишлари керак. Биринчи планда нарсалар ҳажмли ва каттароқ, аниқ ёруғ-сояси билан кўринади, бироз узоқдагиси эса соялари очрок, ёруғ жойлари хирароқ кўринади.

Уфқ ҷизигига яқинлашган сари ёруғ-соя зиддияти (контрасти) юмшаб, охирида оч ҳаво ранг дод бўлиб «коришиб» кетади.

Ҳаво мухити перспективасини кўрсатишда этюднинг умумий ранг жиҳатини колорит орқали ифодалаш мумкин. Ҳавода турли обьектларнинг ҳақиқий рангига атрофдаги деталларнинг акслари таъсир қиласи. Буни амалда синаб кўриш мумкин, нарсанинг соя томонга бирма-бир кўк, сариқ, қизил матолар яқинлаштирилса, у сояда кўк, сариқ, қизил аксларни сезиши мумкин. Очик ҳавода кучли рефлекслар осмондан тушади, буни айнан сояларда сезиш мумкин.

Шундай қилиб бу амалиётда табиат элементларининг ўзига хос асосий рангини, атрофдан тушадиган аксларни, узоқлашганда туснинг ўзгаришини кўрсатиб бериш керак.

Пленерда кўрсангиз, узоқдаги деталлар нафакат оқариб кўринади, балки ранги оч кўк тус олади, лекин бу ҳар доим

эмас, чунки манзара элементларининг ранги ҳавони очиқ ёки очиқ эмаслигига, күёшли ёки булутигига боғлиқ.

Манзарани турли вақтда: эрталаб, тушда ва кечқурун тасвирлаб, ранг фарқларини сезиб олиш мумкин. Кейинчалик топшириқларни мураккаблаштириш талаб қилинади. Ўз ичига бир нечта режани қамраб олган очиқ маконга манзарали мотив танланади. Бундай этюдларда алоҳида эътиборни фазовий муҳит қисқариши (перспектива)га қаратиш лозим, яъни ранглар бўйича режа (план)ларнинг ёруғлиги ва тўйинганлиги каби фарқларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу нарсага ҳам манзаранинг ҳамма планларини таққослаш билан эришилади. Бу ҳолатда ўша ҳамма планларни яхлит қабул қилиш билан иккинчи планни ва узоқдаги планни осмон билан ва дараҳтлар билан унинг сувдаги тасвирини биргалиқда олиб, таққослаб ишланади. (Этюд ишлаш 15, 30, 60 дақиқа давом этиши мумкин.)

К.А.Коровин ўз ўкучиларига; «Этюдни шундай ишлаш керакки, ернинг тусини ва сувни осмонга нисбатан муносабатларини тасвирлай олиш учун уларнинг муҳитини бирдан уилаш, илгай олиш керак», – деб айтар эди. Унинг ўзи этюдда асосий ранг муносабатларини куришнинг энг моҳир устаси бўлган эди.

Қисқа муддатли этюдларни бажариш турли хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда этюд узок давом этадиган тасвирларнинг бошланишидан олдин бажарилади ва уларда ранглараро муносабат таҳлил қилиб ўрганилади. Натижада колористик маълумотлар ҳақидаги биринчи таассуротлар пайдо бўлади.

Ботаника боғида кўплаб қораламалар, ўсимликларнинг чизматасвирларини алоҳида-алоҳида ва биргалиқда, композицион ҳолатда ҳам ишлаш лозим. Ана ундан сўнг сувбӯёқ, гуашь билан, агар имконият бўлса, мойли бўёқлар билан қоғозга, картонга ёки кичик ҳажмли матоларга яна ўша ўсимликларни ва

ботаника боғининг умумий кўринишларини бирма-бир акс эттириш, уларнинг очиқ табиат қўйнида, турли ашёлар билан рангларни ҳис қилиб, қуёшли кунда, соя-ёргуликдаги ўсимликлару гулларнинг, ажойиб ҳолатдаги умумий кўринишларини ифодалаш, мазкур бог ҳақида, унинг табиати ҳақида кўплаб ашёвий тасвиirlар тўплаш ва улар ҳақида тўлик таассуротлар олишга ёрдам беради.

*«Ҳар қандай рангтасвиричи яхши реалистик мактабни ўтаган бўлса, у натурадан чизиши усулини билади, нозик тусларни бир-бiri билан таққослаб, уларнинг бир-бiriга яқин, нозик муносабатларини ёргулик кучи бўйича ва рангларнинг кучи бўйича натурадан чизиши жараёни турлича эканлиги, натурага сингдирилган ёргулик кучларининг фарқи ва рангларнинг юқори даражада берилганини сезилади», – деб ёзади В.В.Иогансон.*

П.П.Кончаловский В.И.Суриков асарларида ранглар муносабатлари аъло даражадалигини шундай изоҳлаган эди: «*Натурадан аниқ рангни олиши мумкин эмас, чунки ҳар бир дақиқада ёргулик муносабати ўзгаради. Шунинг учун ҳаммасини ранглар муносабатида қуриш керак*». Ана шу ҳолат натурага қарши бўлмаса, унда натура ҳақида ўз таассуротлари гармониясига эга бўлиб, тўғри холосаларни беради. Шундай қилиб ранг ўз ҳолича ёзилмайди, аксинча, натурага асосланиб яратилади.

Боғда бўёқ билан ишлаш вақти бир нечта босқичда амалга оширилади. Масалан, тушгача бир кўриниш манзараси эрталабки тиниқ ҳавонинг таъсирида ишланса, соат 11<sup>00</sup> дан 13<sup>00</sup> гача яна бир манзарали дарахтлар, ўсимликлар гуллар билан композицион тарзда исий бошлаган ҳолатни акс эттириш мумкин. Кечки уфққа ғарқ бўлаётган қуёш манзараси тасвирини ишлаш ҳам ранг мажмуасини, колоритини ҳосил қиласиди.

## Назорат учун саволлар:

1. Мазкур амалиёт ёш рассомлар нима учун керак?
2. Амалий иш билан мустақил ишнинг қандай фарқи бор?
3. Амалиётда чизматасвир зарурми?
4. Амалиётда этюд қайси ҳолларда қўлланилади?
5. Амалиётда этюд ишлашни бошлишда нималарга эъти-  
бор бериш керак?
6. Этюд қандай бўёкларда амалга оширилади?
7. Бўёклар билан этюд ишлашда вақт, ҳолат қандай  
тақсимланади?
8. Этюдда композицион марказ қандай аниқланади?

## ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ

### Асардаги қаҳрамонларни ишлаш

Хар бир бўлажак рассом ўзи яратадиган диплом олди амалиёти асари ва ундан композицияда қатнашадиган қаҳрамонлар қиёфалари учун ҳамда улар устидаги либосларнинг етарли даражада ишонарли чиқиши учун кўплаб инсонларнинг қиёфаларини, чизматасвирларини амалиёт ўташ жараёнида бажарган бўлиши шарт.

Бунинг учун яратилажак асардаги қаҳрамонларнинг айнан шу иш жараёнидаги кўринишларини, ҳолатларини ишлашлари керак. Масалан, ҳайвонот боғида ишлаш учун ходимлардан бирининг ҳайвонларга озик-овқат берадиган ҳолатини, юз тузилишларини, ўтирган ҳолатда, тик турган ёки юраётган ҳолатларини бирма-бир, шошилмасдан тасвирилаб олади.

Айниқса, корхона либосидаги ходимнинг ўзига хосликлари билан тасвирилашга алоҳида аҳамият беришлари лозим.

Корхона ходимининг маҳсус қиёфасини, у аёл ёки эркак бўлиши, ёши катта ва ёш бўлиши, озгин ёки семиз бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни алоҳида урғу бериб тасвирилаш катта аҳамиятга эга.

Мазкур корхона қаҳрамонларининг ҳолатлари етарли даражада ишлаб олингандан сўнг чизмалар қаламтасвирга ўтказилади. Чунки асарда қатнашувчи ҳар бир ходим билан иложи борича учрашиб, уларнинг портретларини, психологик ҳолатларини шошмасдан бир нечта варианtlарда, турли томондан босқичма-босқич, ишлаб олиш яхши самара беради.

Кўпроқ эътиборни айнан бир ҳайвонга йўналтириб, уни алоҳида парваришлаб, эринмасдан меҳр билан ишлаётган ходимлар характеристини илғаб олиш ва шу тасвирида акс эттириш лозим.

Энди шу ҳолатларни бўёқ билан турли вақтлардаги сояёруни, хона ичида ва очиқ ҳаводаги, кўринишларини тасвирилай оладиган даражада кўп этюдларни ишлаш, шу ходимлар-

нинг устки маҳсус кийимлари рангларини, ҳар бир унсурлари-ни ифодалаш асарнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

Асадаги қаҳрамон эркак киши бўлса, унда айнан эркак кишининг характерли хусусиятларини ва мазкур корхонада унинг бажарадиган ишини яхши билиб олиш лозим. Ана шундан сўнг алоҳида тасвирилаш вақтида устки кийимларининг зарур қисмларини, ўзига хос томонларини ифодалаш осон бўлади.

Агар қаҳрамон аёл киши бўлса, унинг кадди-қомати, аёлларга хос хусусиятлари аниқ топилиб, кейин унинг қораламасини ва қаламтасвирини ишлаш керак. Аёллар сони кўп бўлса, уларнинг гурухли кўринишларини тезлик билан ишлаб олиш тўғри йўл ҳисобланади.

Бўёқ билан ишлашда ҳам аёлнинг юз тузилиши, характерли либослари билан кўринишларига ёруғ-соя нисбатлари тўғри танлаб олинади. Кейинчалик, асосий, яхлит, катта ранглар ундан кейин эса кичикроқ бўёқларнинг майда қисмларини акс эттириш тўғри бўлади.

Портрет ишлари ботаника боғида олиб бориладиган бўлса, ўкувчилик шу боғнинг композицион рангли манзарасини яратиш чоғида шу ерда ишлайдиган ходимларнинг алоҳида характерли кирраларини, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ҳолатларини синчиклаб ўрганиб, сўнгра уларнинг чехраларини, ўзига хос хусусиятларини ишлаш орқали асарни тугаллашлари мумкин бўлади.

#### Назорат учун саволлар:

1. Амалиётчилар ишлаб чиқаришда кимлар билан учрашишлари керак?
2. Асар ишлашда қорламалардан фойдаланиш нима учун керак?
3. Асар қаҳрамонларининг кийимларини ишлашнинг қандай аҳамияти бор?
4. Асарларни ишлашда қайси бўёқ турларидан фойдаланилади?



7-расм. Раҳим Аҳмедов. «Халқ созандаси А.Умурзоков портрети». 1957 й.



8-расм. Раҳим Аҳмедов. «Чўпон қиз». 1956 й.



9-расм. Раҳим Аҳмедов. «Қизалоқ портрети». 1955 й.



10-расм. Раҳим Аҳмедов, «Кекса дехқон портрети», 1956 й.



11-расм. Рахим Ахмедов. «Опа-сингиллар». 1958 й.

## РАНГТАСВИРДА ПОРТРЕТ ИШЛАШ УСЛУБИ

### Рангтасвира чизматасвириңнег роли

Рангтасвири (живопись) рангшунослик қонунларига асосла-ниб борлиқни реалистик ифодалайды. Рангтасвири бу текислик-да борлиқни тұлақонли яғни рангларда табиий акс эттириш-дир. Бунинг учун рассом перспективани, масштабни, ҳажмни чизматасвири орқали акс эттиришни пухта әгаллаши керак. Тус, ранг ва чизматасвири бир-бирига bogлаб, рангтасвири асарида мохирона фойдаланиши зарур. Чизматасвириңиз факат бүёклар орқали буюмнинг шаклини, ҳажмини, мухитдаги үринини акс эттириш мүмкін. Агар манзара ишлашда перспектива қонунларига амал қилиб, чизматасвири бажарилмаса, ранг-нинг ажамияти үрінсіз бүлади. Баъзан рассомлар «Рангтасвири нима?» деган саволга: «Бу 100 фоиз чизматасвири ва 100 фоиз рангтасвириңнег үзаро мужассам боғликлигидир», дейдилар.

Реалистик рангтасвирида чизматасвириңа мухим үрин бе-рилади ва чизматасвириң әгаллаш реалистик рангтасвири жа-раёнда асосий шартдир. Олдин чизматасвири ишланиб, кейин ранг берилади. Рангтасвири олдиндан чизматасвири тайёрла-маслиги мүмкін. Аммо унинг асарида аниқ чиройли чизматас-вири рангтасвири билан чамбарчас боғланиб, яққол тасвири ҳосил қилганини күрамиз. Рангтасвириңи үрганишда талаба олдиндан чизматасвири орқали перспектива, буюмларни конструктив ша-клини ишлаш, тусли чизматасвири ва нисбатлар тушунчасига эга бүлиши мақсадга мувофиқдир.

Баъзи талабалар ишларини таҳлил қилганимизда чизма-тасвириң тұла әгалламасдан ранг (бүёк)да тасвирилашга кири-шилган портретда тасвириланувчи үшшамаганлигини, тус (тон), колорит, перспектива каби тушунчалар амалга ошмаганлигини күрамиз. Ёруглик ва соя қонунларини, чизматасвири вазифа-сини билмаган ёш рассом портретда шакл тасвирини рангда күрсата билишда, фазода жойлашишини тасвирилашда катта қийинчиликка дуч келиши мүмкін. Рассомлик мактаблари

тажрибаси тарихидан маълумки, ўқитиш-ўрганишнинг биринчи босқичида чизматасвирни пухта, жиддий ўрганишга катта эътибор берилади. Шундагина кейинчалик рангтасвир билан шуғулланиш жараёни яхши натижаларга олиб келади. Рассом Тициан чизматасвирнинг аҳамияти ҳақида шундай деган: «Қадди-қоматни ранг (бўёқ) эмас, балки яхши чизматасвир гўзал қиласди».

Жаҳоннинг буюк рассомлари: Микеланжело, Джорж Вазари, Леонардо да Винчи, П.П.Чистяков, И.Е.Репин, А.М.Васнецов, К.П.Брюллов, В.А.Серов ва бошқалар чизматасвирга катта аҳамият берганлар.

Нафис тасвирий санъатда рангни чизматасвирдан ажратиб бўлмайди. У ҳар доим чизматасвир билан чамбарчас боғлиқдир. Чизматасвирнинг ихтисослик даражасида эгаллаш график, меъмор, безакчи, монументалист ва бошқа барча рассомлар учун зарур хисобланади. Кино ёки театр рассоми ҳам чизматасвирни яхши эгаллаши лозим. Реалистик чизматасвир асосларини эгалламаган рассомлар картина чизишни бошласа, чала санъат асари вужудга келади, ёлғон маҳобатлилик ва безакдорлик хусусиятларини намоён киласди, образлилликка путур етади.

Рангтасвир учун чизилган буюмнинг чизматасвири шартли контур чизиқларига эътибор бермаган ҳолда, уни атроф-муҳит билан боғлаб, ҳажмини ранг орқали шакллантира билиш ва унинг нисбатлари, материалини аниқлаш лозим. Хомаки чизматасвирдан бошлаб, охирги мўйқалам нуктасигача рассом чизматасвирни эсдан чиқармасдан шаклни ўрганиб тасвирламоғи керак. Рангтасвир чизматасвирнинг давоми ҳисобланиб, бир неча марта шаклнинг чизматасвирига қайтмоғи ва аниқлик киритмоғи лозим. Чизматасвирдаги маҳорат рангтасвирда асар яратишнинг муваффакиятли чиқишини таъминлайди.

Реалистик санъатда бадиий образ яратишининг энг биринчи асоси чизматасвирдир. У одам образини яратишида ва воқеликни тасвирлашда муҳимдир. Асарнинг муваффакияти

ва композиция орқали фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш чизматасвирга боғлиқ. Композицияда умумий фикрлаш ҳам чизматасвир орқали дунёга келади.

Рассом реалистик чизматасвирни тұла әгаллмаса, ҳеч қачон тұлақонли етук образ яратылған.

Еш рассом табиатан ўта зукко, кузатувчан, фидой, танланған касбига садоқатли бўлиши шарт. Бу хислатларга эга бўлиш учун ўз устида кўп ишлаши талаб этилади.

Портрет устида сўз борар экан, унинг ўзига хос услугуб ва усуллари борлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Портрет жандар тасвирий санъатда муҳим роль ўйнайди. Бошланғич бадиий билимга эга бўлишдан тортиб то олийгоҳни битиргунга қадар талабалар бу жанрнинг сирларини әгаллашлари керак.

Ўқув жараёнида педагог-устозларнинг кўрсатмасига кўркўона амал қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бундан ташқари ўкувчилик одам анатомиясини ўрганиш билан бирга унинг жисмоний тузилишидан, яъни мушак ва сүякларнинг тузилишидан хабардор бўлишлари шарт. Қолаверса, портрет жанрида ишланган асарларни ўрганиб, ўз вақтида таҳлил қилиб, малакаларини оширишлари зарур. Ана шундагина бирор натижага эришиш мумкин.

Портрет жанрида ишлаш учун инсон бошини қалам тасвирда ёки рангтасвирда батафсил тасвирлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу борада бир қанча ишларни айниқса, амалий ишларни бажариш талаб этилади. Қаламтасвирда анчагина амалий ишлар бажарилган. Чунки қалам бир рангли бўлиб, у тим қорадан тортиб то кўз илгамайдиган даражагача оқариб бориши, ҳатто (бликни) ялтироқни ифодалагунга қадар тусларни ёйилиши ва мужассамланиши натижасида ўз ифодасини топади.

Рангтасвирда аксинча, рангни кўриш инсон табиатига боғлиқ. Шу боис бу соҳада амалий маслаҳат бериш қийин иш хисобланади. Бу иш амалиёт давомида ва ўз устида мустақил ишлаш давомида амалга оширилади.

Аввало ишни модель излашдан бошламоқ керак. Тасвириланаған инсон сиймоси талабга жавоб берадиган бұлиши шарт. Яъни тузилиши, күз, қулоқ, бурун яқын күзгә ташланадиган, мушаклари аниқ күрениши ва қолаверса, ранглари инсонни ўзига жалб қилиши керак.

Модел сиймоси күренишини, мазмундорлигини ошириш мақсадида уни оддий, содда ҳолда үтқазиб, ён томондан сояларни юз қиёфасининг янада аникрок белгилаб, мушаклари тузилишини ва бошнинг бұлак қисмларини катта қисмлари билан узвий боғланишга олиб келиш керак. Бунинг учун эркак кишининг портретини ишлаш мақсадға мувофиқ бұлади.

Ишни 50x40 үлчамли матода бажариш ишни бошлашдан олдин талаба моделни атрофлича үрганиб, ўзига маъқул күринган жойдан ишга киришиши тавсия этилади. Бу ҳолат талабада қизикиш үйғотиши табиий. У сустлик қымасдан, күтаринки рухда ишлайди, оқибатда яхши натижага эришиши мумкин. Портретни тасвирилаш жараёни ҳар бир талабанинг олган билимінде бөлек бұлып, улар ўзларига хос услугда ишлаши мумкин.

Үқув жараёнида малака ошириш борасида учта услуг яхши үрганилған ва талабаларга тавсия этилади:

1. Матода ишлашдан олдин қоғозда ишлаш;
2. Матонч ўзида күмирчұп билан ишлаш;
3. Матога тұғридан-тұғри бүёқ билан ишлаш;

Ана шулардан бириңчи услуг бошланғич бадиий билим олишда күп күл келади. Матонинг сатқини авайлаш борасида ишни аввало оқ қоғозда бошлаб, сұнг уни матога үтказиш керак. Бу услуг, бириңчидан, интизомга үргатади. Иккинчидан, ҳали малакаси бұлмаган талаба пала-партиш ишлаш натижасида мато сатқини бузиб қўйишининг олдини олади.

Қоидага биноан портретда бош унинг ҳақиқиي үлчамидан катта бұлмаслиги, балки кичикроқ тасвиrlаниши зарур. Айниқса елкали портретда ёки фактат бошнинг ўзи бұлса кичикрок тасвиrlаниши мақсадға мувофиқ ҳисобланади.

Портрет жанрида бошни сатқы юзасига жойлаштиришда картина текислигининг геометрик марказида ёки марказга якынроқ жойда тасвирланади. Бошнинг бурилишидан қатъий назар композиция марказида жойлаштирилиши керак. Агар портретда бош профил бўлса, рассом тасвирланаётган кишининг қайси томонга қарашига қараб, шу томондан кўпроқ жой қолдиради. Баъзи ҳолда зарур бўлса, қолдирмаслиги ҳам мумкин.

Қоғоз сатҳида қаламтасвир қатъий талабларга биноан бажарилиши керак. Портретнинг қаламтасвирда бош ҳолатини, характеристикини, ҳаракати аниқ топилгандан сўнг, матога қора қоғоз орқали кўчириб, рангтасвирга ўтиш керак. Матода бўёклар билан ишлаш, олдиндан моделнинг асосий рангини ва тусларини топиб, парча-парча ҳолда доғлар қўйиб чиқиш ва иш сўнгидага уни бирлаштиришдан иборат. Бунинг учун кўз, кулоқ, бурун, ёноқ ва жаг суюкларининг, алоҳида рангини топган ҳолда ишлаш ва охирида уларни умумий яхлитликка олиб келишдан иборат. Шу жараёнда ҳамма вакт модел билан солинтириш натижасида тузатишлар киритиш ва суратининг ўҳшашлигини унутмаслик керак.

Портрет рассомни ўзига тортадиган мураккаб рангтасвир жанрларидан биридир. Дунё санъат тарихида кўплаб турли хил портретлар яратилган. Бу асарларга назар ташласак, ундаги тасвир одам нигохининг теранлигини кўрамиз. Портрет – инсоннинг қалб ойнаси, у орқали бизга инсоннинг ички кечинмалари ёки ечилмайдиган масалалари аён бўлади.

Леонардо да Винчи мўйқалами яратган аёллар портретлари ҳайратга солади. Уларни таъсири шунчалик кучлики, бизнинг сезгимиз ва онгимиз уни англаш учун чексиз ҳаракат қиласди. Шундай килиб, портрет бизга образни тушунганимиз учун чексиз завқ бағишлийди. Айнан шундай ҳайратни Ботичеллининг «Нишенли ёш йигит» портрети олдида ҳис этамиз, бу ёш йигит бизга ҳаётий энергия баҳш этади. Бунда биз ҳаётийликни, ҳаққонийликни кўришмиз билан бир қаторда бу образда қандайдир фазовийлик бор. Унда муаллиф юксак дара-

жадасоддалилкка эришган. Бу эса ижодда энг заҳматли, қийин жараён бўлиб, асл соддалик табиийликни кўрсата билишдир.

Жуда кўп улуг рассомларни эслаш мумкин. Биз шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, бугун бизнинг замондошларимиз орасида ҳам қизиқарли инсонлар кўп. Бўлажак рассомлар яхши портретлар яратишлари мумкин. Фақат уларни севиб ишлаш керак, шундагина машхур асарлар яратилиши мумкин. Уларни келажак авлодлар кўриб ҳаётимизни, интилишларимизни, руҳимизни ва умидларимизни чукурроқ тушуниши, англаши аниқ.

Ишни якунлаш жараёнида инсоннинг характеристики, психологияси ва унинг ҳолати устида ишлаш керак. Агарда иш матоға ўтказилган бўлса, ишни шошмасдан, бирин-кетин услубият қоидасига амал қилган ҳолда ишлаш ва тугаллаш лозим. Юз, кўз, соchlарнинг рангини топиш керак. Мазкур ҳолатдан сўнг бўлғуси рассом моделнинг характеристикини, кўзга яққол ташланадиган жойларини янада бўрттириб ишлаши зарур.

Иккинчи услубда ишлаш, биринчи босқични ўтказганидан сўнг кўл келади. Мато сатхига тўғридан-тўғри кўмирчўп билан ишлаш, яхшигина тежамкорликка олиб келади. Писта кўмирнинг яхши хусусиятларидан бири уни латта билан артиб юборса, тезда ўчиб кетади ва матонинг сифати бузилмайди.

Юқорида баён этилган мато сатҳидаги тасвирда бош ҳолатини, характеристини ва ўхшашлигини топганингиздан кейин, уни авайлаб, чегара чизикларини, бир хил рангда чизиб олиш керак. Бу иш кўмирчўп суркалиб кетмаслиги учун қўлланилади. Бундан бошқа усуlda ҳам ишлаш мумкин масалан, кўмирчўпда ишлангандан сўнг, уни лок котиргич билан мустаҳкамланади. Сочга сепиладиган лок ҳам ишлатилиши мумкин.

Матода ишланганда писта кўмирнинг сифатлисидан кенг миқиёсда фойдаланишга ҳаракат қилиш керак. Писта кўмир соя, ярим соя ва сояларнинг ёришган жойларини, кўз илғайдиган бўртмаларини ифодалаш хусусиятига эга. Бу си-

фатни рассомлар жуда қадрлашади. Иш жараёнида шаклларни ифодалаш мақсадида панжа билан доғлар кўйиш, уларнинг туслари қорайиб кўринса, панжа билан енгилгина тегиб кўйиш, хоҳлаган ранг тусини топиш мумкин.

Писта кўмирда тасвири мустаҳкамлагандан кейин, ранглар тасвирига ўтиш олдидан моделнинг қиёфасини, соя жойларини белгилаб, ёришган жойларини аниқлаб, асосий рангларни топган ҳолда оқ бўёқ ишлатмасдан, матони тўқилган юзаси кўриниб турадиган даражада суюқ шаффофф ранг бериш керак. Бўёқларни эритгич билан суюлтириб ишлатган маъкул.

Биринчи босқичда лок ишлатадиган бўлсангиз, қотиб қолгандан кейин, мато сатҳи клёнкага ўхшаб ялтираб кўринади. ва кейинги рангларингизни биринчи қўйилган ранглар билан бирлаштириш қийинлашади. Иш вактида бўёқлар матога бир мунча сингиши керак. Иккинчи қатламни қуоқроқ, жозибали ранглар мажмуасини топган ҳолда қоришитириб ишлаш натижасида колорит топилади, яъни ранг яхлитлигига эришилади.

Рангларни соя жойда текисрок бериб, ёришган жойида ча-плаб ишлаш ҳар хил сифатли доғлар орқали шакл ифодалашга хизмат қиласиди. Шу жараёнда ранглар жилосини мураккаблаштирган муносабатларнинг мажмуаси топилади. Катта текисликлардан майдасига ўтиш ва уларни бирлаштириш йўли билан ишлаш зарур. Иш вактида ҳамма вакт солишитириш, таққослаш орқали ўхшашибликни йўқотмаслик керак.

Чизматасвири ёки ранг ўхшашибликни соялар, яримсоялар ва соядаги шуълалар бўлишидан қатъий назар яратилаётган асарда ёки рассом маҳсулотида ўз аксини топиши керак.

Маълумки, инсон боши ўз ўлчамига эга бўлиб, уни ҳар бир бўлаклари ҳам ўз ўлчамига эга эканлигини ёддан чиқармаслик керак. Бўлакларни ишлаш ранглар тусларини тўғри топиб, яъни оч-тўклигини, соядаги тусларнинг тафовутларини узвий солишитириш натижасида ўхшашибликни аниқланади. Рангларни ашёвийлаштиришга харакат қилиш лозим, яъни қўйилган рангларни айни вактда натуранинг асосий рангларидан фарқлашгига

харакат қилиш лозим. Ранглар тоза ва мусаффо бўлишига интилиш керак.

Одам боши бўлакларини чукурроқ ўрганиш мақсадида ҳажмларни мураккаброқ ишлаб, катта ҳажмдан ажралмаган ҳолда мўйқалам билан ранг-баранг доғ қўйиш орқали эришган жойларини жозибали, кенг ва эркин харакатлар билан ишланади. Айниқса, кўз, кулок, бурун оғизга катта аҳамият бериш керак. Чунки моделнинг ўхшашлиги қисмларнинг аниқ ишланишига боғлиқ. Аҳамиятга эга бўлмаган ортиқча нарсаларни ишламаслик керак.

Ранг билан ишлаганда палитрани ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Унда хилма-хил бўёқлар бўлмаслиги керак. Моделнинг асосий рангларини ифодаловчи бўёқларни топиб, улардан тўғри фойдаланиш керак. Палитрада бўёқларни кўп эзғилаб қориштириш ранг жилосининг йўқолишига олиб келади. Агар бир тус иккинчи тусга солиштирилганда совукроқ кўринса, янги, оқ бўёқлари бўлмаган табиий бўёқлар билан енгил қилиб, шаффоф, таги кўринадиган даражада устидан суртилса, тафовути чиқади.

Қайта-қайта тузатишлар мато оралигини тўлдириб, сифатининг бузилишига олиб келади. Оқибатда, суртилган ранглар сифати заифлашади ва бўёқ ёрилиб тўкилади. Рассомлар мато сатҳини ниҳоятда авайлаб, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланишади. Бу ишлар тежамкорлик билан изланиш борасида тузатишларнинг олди олиниб, бажарилади.

Учинчи услуб биринчи ва иккинчи услубларни бирлаштирган ҳолда, ўқитиш жараёнида тўлиқ маълумотга эга бўлган талаба учун келгуси мураккаб ижодий масалаларни ҳал этиш мақсадида қўлланилган.

Рассомлар ижодий фаолиятиларида қаҳрамонларнинг қоматларини нафақат портрет кўринишида, балки боғнинг турли бурчакларида, ўзларига биринкирилган гуллар, дараҳтлар ёки ноёб маҳсус ўсимликлар билан машғул бўлиб, берилиб

иш бажараётган вақтлардаги кўринишларини турли хил рангли ашёлар воситасида ишлаб, синааб кўриш керак.

Масалан, пастель, гуаш, акварель ва ниҳоят мойбӯёқда ҳам бир неча эскизга ўхшаш этюдлар ишлаб кўриш мақсадга мувофиқ иш ҳисобланади. Чунки таркиблари, ашёлари турли хилдаги пигментлар ва моддалардан ташкил топган бўёқлар, бадиий асбоблар билан ишлаш натижасида ўкувчи, талаба ўзини келгусида яратадиган катта ҳажмли, жиддий асарларини турли хил бадиий ашёлардан бемалол ишлай оладилар.

Шу билан бирга турфа хил либос кийган қаҳрамонларни турли кўринишда ҳеч қандай муаммосиз акс эттириш маҳоратларини оширганликлари ўзининг ижобий натижасини беради. Шу сабабли амалиётда ўкувчи ўзини юқорида тавсия этилган ҳар бир ҳолатларда синааб кўриши шарт.

#### Назорат учун саволлар:

1. Асар қаҳрамонларини қандай бадиий воситалар билан тасвиirlаш мумкин?
2. Портрет рангтасвириларининг қайси жанрига мансуб?
3. Тасвирий санъатда портретнинг қандай ўрни бор?
4. Портретда асосан кимлар тасвиirlанади?
5. Асар қаҳрамонларини акс эттиришда уларнинг либосларини алоҳида ўрганишнинг қандай зарурати бор?

## ТҮПЛАНГАН АШЁЛАРГА АСОСАН АСАРНИНГ КОМПОЗИЦИЯ ЭСКИЗИНИ ЯРАТИШ

Демак, амалиётга бораётган ўқувчи ўзи учун диплом ишига етарли даражада бой ашёларни түплай олади. Навбатдағи вазифа – ўша ашёлардан фойдаланиб, ҳайвонот боғи ёки ботаника боғидаги манзаралар, турли касб эгаларининг қиёфасини яратышдан иборат бўлади.

Асарнинг лойиҳаси, яъни эскизи аввал масштаби бўйича, асарнинг ҳақиқий катталигидаги ўлчами хажмидаги маҳсус қоғозга, маҳсус қалам билан ишланади. Бунинг учун композицияда тасвирланиши лозим бўлган инсонларнинг асарда қандай бўлса, шундай ҳолатларда, ҳар бир образдаги инсон ўрнига жонли натуруни ўтказиб қўйиб, бир неча сеансда унинг қаламдаги тасвири ифода этилади.

Лойиҳадаги барча инсонлар, буюмлар композицион асадагидек ифодаланиб бўлингач, яна бир неча сеанс қалам тасвири ишланади. Сўнг диплом лойиҳасидаги барча кўринишлар, композицион ишланмалардан фойдаланиб бўлингач, яна бир бор диплом раҳбари асар лойиҳасини кўриб, ўз фикрларини билдиради.

Диплом лойиҳаси барчага маъқул тушгач, унинг рангли ҳолатидаги кўринишини ўқувчининг ўзи бажаради. Ранглар билан ишлаш жараёнида ўша қаҳрамонларнинг аввалдан чизиб олинган этюдлардан фойдаланиб, унинг умумий яхлит кўринишидаги композицион рангтасвири яратилади. Бу ҳолатда албатта образларнинг характерли хусусиятлари, ҳар бир деталга эътибор берган ҳолда, шошмасдан ишлаб чиқилади. Иш якунига етгач, асар маҳсус кенгашдан ўтказилади.

Амалиётда ўқувчилар ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда диплом учун түпланадиган ашёларга асосланиб, асарнинг ҳақиқий нусхасини ишлаш учун киришадилар.

Мабодо, диплом олди амалиёти учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатини тасвирлаш мавзуси олинган

бўлса, демак, талаба маълум бир муддат шу ерга бориб, аввал корхонанинг раҳбарияти билан учрашади. Улар билан ҳужжатлаштириш ишлари ҳал қилиниб, диплом иши учун керакли маълумотларни олишга киришади. Бунинг учун амалиётчи аввал корхона ишчи-ходимларининг маҳсус либослардаги кўриниш ҳолатларини, ҳаракатларининг ўзига хос қирраларини алоҳида-алоҳида машғулотлари билан ёки ўзларига бириттирилган асбоб-ускуналарнинг қораламаларини, асосий деталларини эътиборга олиб ишлади. Рассом ҳар доим, ҳамма жойда кузатишни ўзига одат қилиши керак. Одамлар гурухида ритм ва чизиклар, ранг додлари, кийимлар уйғунлиги ўткир ва эсдан чиқмайдиган кучга эгадир. Масалан, бола қўтарган аёл, унинг кийимлари уйғунлиги, тузилиши ўзгача гўзалликка эга бўлиши мумкин.

Табиатнинг бадиий ижоди чексиз бўлиб, ҳар қандай рассомга ҳақиқий илҳом бериб, хотирани бойитади, ранг-барагликка, доимий янгиликка рухлантиради. Санъаткор ҳаётга тақлид қилибгина қолмай, балки шоирона акс эттиради, ундан завқланади.

Юкорида кўп маротаба таъкидлаганимиздек, қоралама учун юмшоқ қалам, ретуш, соус ва ҳоказолар ҳамда қоғозларнинг турли хилларини ўзлари билан олишлари шарт бўлади. Кейин ўша объектларнинг умумий кўринишини, чизматасвирларини ишлаш керак. Чизматасвирларда айнан диплом ишида қатнашадиган қаҳрамонларнинг ўзига хос жиддий қиёфадаги кўринишлари ифодаланиши керак.

Мазкур амалий иш жараёнларида ишланган чизматасвирлар диплом иши композицион ечими учун тайёр манба бўлиб хизмат қиласди. Ҳар бир образнинг рангли кўринишини аввал маълум ўлчамлардаги этюдларда ишлаш лозим бўлади. Рангтасвирда образларнинг ранг-баранг, турлича ҳолатларини, сўзсиз бир неча хил ҳолатларда ишланган этюдларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ана ундан сўнг йигилган ашёвий тўпламлардан фойдаланиб, диплом иши эскизларини, яъни ҳақиқий катта-

лиқдаги хомаки чизгиларини маҳсус қоғозга күмирчүп, ретуш ва бошқа маҳсус қаламлар билан ишланади. Хомаки чизмани бажариш учун ҳам бир неча кун давомида ҳар бир деталға эътибор беріб ишлаш зарур бўлади.

Масалан, диплом мавзуси аниқ бўлгач, К. Беҳзод номидаги МРДИ тасвирий санъат факультетининг дастгоҳли рангтасвир кафедраси талабаларининг диплом олди амалиётида тўплаган ашёлари асосида диплом иши қўйидаги тартиб ва кетма-кетликка бажарилади.

Талаба Беҳзод Тўхтаевнинг «Устахона. Жума куни» деб номлаган малакавий битирув ишини олайлик. Мазкур ишнинг композициясида 7–8 тагача рассом-талабалар образлари ишланган. Бунинг учун дипломант ниҳоятда кўп миқдорда қораламалар ишлаган. У қораламаларда устахонага йифилган курсдошларини ўзаро ва устозлари раҳбарлигида қилинажак ишлари ҳақида маслаҳатлашув ўтказилаётган жараённи тасвирлаш мақсад қилиб олган. Диплом иши композициясида айнан шу талабаларнинг образлари ишланиб, уларнинг турли ҳолатдаги қўринишларидан ташқари, чизматасвирларини ҳам ишлашга катта эътибор берилган (12–15 расмлар).

Иккинчи навбатда эса, ҳар бир талабанинг ҳолатини тасвирлашга муваффақ бўлган. Амалиёт вақтида ишланган қоралама, чизгилар, этюдлар диплом иши композицияси пишиқ, етарли ашёлар билан тўлиқ таъминланишига катта ёрдам бериши юқоридаги мавзуларда ҳам таъкидланган эди.

Бўлажак асар учун ашёлар тўплангач, энди эскизларда умумий композициянинг бир нечта варианtlари алоҳида-алоҳида картонларда ёки матоларда мойбўёқлар ёрдамида ишланди. Б. Тўхтаев ўзининг «Устахона. Жума куни» деб номлаган диплом лойиҳасида жуда кўп изланишлар қилган. Аввало, у бу композиция билан ўз талабалик даврини севиб, унинг ёрқинлигини устахонага тушиб турган ёруғлик орқали кўрсатишга интилган. Дастробки қоралама этюдларда хонанинг умумий тасвири ва бир-иккита фигура тасвирланган. Изланишлар натижасида



12-расм. Бекзод Тұхтаев. «Устахона. Жума куни» 1-вариант.



13-расм. Бекзод Тұхтаев. «Устахона. Жума куни» 2-вариант.



14-расм. Бекзод Тұхтаев. «Устахона. Жума куни» 3-вариант.



15-расм. Бекзод Тұхтаев. «Устахона. Жума куни» малакавий битириув иши.

у қиёфаларни күпайтирди, устахона жиҳозлари орқали ўқув жараёнини тасвиirlади.

Композиция ўргасига раҳбар – ўқитувчи қиёфасини жойлаштиради ва ниҳоят, шу орқали композиция ечими тўлиқ маънога эга бўлди. Талабанинг ерда ёйилган эскизлари уларинг изланишини кўрсатиб турибди. Атрофидаги талабалар ўқитувчи оғзидан чиққан ҳар бир сўзни тинглаб, ўзига хулоса чиқариб туришган бўлса ажаб эмас.

Бу композиция ўз ечими билан ўқув жараёни хақида ахборот бермоқда. Ушбу картина орқали томошабин талабалик даврини ҳис этгандай бўлади. Рассомлик устахонаси мухитини, диплом лойиҳаси устида ишлаётган битириувчилар юрагидан ўтаётган ҳаяжон, изланиш, бебеҳо ёшлик даври руҳини бирмабир кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Дипломант бу вариантга етиб келиши учун ўнлаб эскизлар бажарган. Аввал устахонани бир қисмида атиги тўртта қиёфани тасвиirlаган. Бу жой унга торлик қилиб, изланишни давом эттирган бошқа эскизларда битта дераза иккитага айланган, хона кенглиги ошибб, мольберт кўпайган.

Иzlaniшлардан бирида раҳбар-ўқитувчи тик турган ҳолда фикр билдиримоқда. Қиёфалар қониқарли даражада жойлаштирилгандан сўнг муаллиф алоҳида ҳар бир қаҳрамон портретини ишлашга ўтади.

Мана раҳбар-ўқитувчи портретида катта ёшли, теран фикрловчи, кўзлари ўткир, қиррабурунли кишини кўярпмиз. Қизлар портретларидағи моделлар бетакрорлиги, ёшлиги, гўзаллиги билан ўзига тортади. Ҳар бири ўзига хос ҳис-ҳаяжон билан бир нарсага қараб фикр юритмоқда, ички кечинмалари юзида акс этмоқда.

Ёш талаба портрети ҳам усталик билан тасвиirlанган. Портретларда жонли шакл, характер, ҳаракатлар моҳирона кўрсатиб берилган. Бу эса талабанинг пластик анатомиядан олган билимлари асқотганлигини намойиш этмоқда. Ҳар бир

берилган ранг доғлари шакл ва характерларни янада чуқурроқ күрсатишга хизмат қилмоқда.

Ниҳоят, ана шу (хомаки) ишланган ашёлар асосида диплом ишининг ҳақиқий ўлчамдаги, маҳсус қоғозда композицион йигилган ҳолати тасвириланади. Композицияда иштирок этиши керак бўлган барча деталлар ўз ўрнига кўйилиб, бирма-бир ишлаб чиқилади. Бу жараёнларнинг барчаси муаллифнинг диплом иши учун керакли ашёларни тўплаши ҳақида юқорида таъкидланган, диплом олди амалиётида зарурий бир канча ёрдамчи манбалар йигилган.


Диплом иши амалиётларини бажаришда мазкур курснинг бошқа бир талабаси ўзи туғилган Филон қишлоғининг очик табиат қучогидаги манзарасини яратиш учун қишлоқ мавзусини танлади ва ёзги амалиётда бориб у ерга, бир неча юзлаб тоғли худудлардаги кўринишларни қаламда, маҳсус рангтасвир асборлар ёрдамида ишлашга киришди.

Бўлажак мусаввир диплом иши учун зарур бўлган ҳолатларни ишлаб, унда ўша худуднинг содда, меҳнаткаш инсонлари, аёллари, оналарининг беғубор кўринишларини ифодай билди. Унинг мойбўёқда ишлаган эскизлари ўзининг сифатлилиги, танланган рангларнинг ўша ернинг ўзига хослиги, оҳангдорлиги билан ёш рассомнинг келгусида етук рассом бўлишини намоён этади. Диплом иши муаллифи Ж. Чоршанбиев ўз асари орқали келгусида етук асарлар яратса олиши мумкинлиги намойиш қилди (16–19 расмлар).

Бундай натижага эришиш учун у танлаган мавзуси бўлмиш «Филон юмушлари» диплом иши учун аввал у ернинг ўзига хос кўринишларини, одамларини пиёда, эшакда кетаётган ҳолатларини қораламаларда, чизгиларда, ёруғ, очик ҳаводаги (табиий) ҳолатларда ифодалаб олган. У қишлоқнинг эски, тоғнинг сўқмоқ йўлларини, уларнинг уй-рўзгор буюмларини содда, кўринишли шаклларини акс эттиришдан чарчамаган. Мустақил равишда ўз юртида ўкув амалиёти жараёнини



16-расм. Жамшид Чоршанбиев. «Филон» 1-вариант



17-расм. Жамшид Чоршанбиев. «Филон» 2-вариант



18-расм. Жамшид Чоршанбиеев. «Филон» З-вариант



19-расм. Жамшид Чоршанбиеев. «Филон» малакавий битириув иши

олиб борган ва маъсулиятни ҳис қилган ҳолда фақат чизгилар, қоғозларда эскизлар, рангли этюдларни ҳар бирида табиатнинг, соя, ёргулик, тусланиш фарқларини тўғри акс эттириш давомида янгидан-янги композициялар яратишга муваффақ бўлди.

Қишлоқ эскизлари ҳам жуда усталик билан бажарилган. Бир этюдда тошли йўл ёқасида жазирама ёз куни оппок эшак девор соясига яширнмоқда. Уйлар устма-уст жойлашган, бошқа этюдда қишлоқ ўртасидан тоғ ариғи шилдираб оқиши ва узоқда бир неча уйлар акс этган. Тошлар алоҳида маҳорат билан тасвирланган. (*Расмга қаранг*)

Учинчи этюдда ўзбек оиласи гурури бўлмиш тандир ва ўчок тасвирланган. Ҳар бир қишлоқ хонадонида тандир бўлиши табий. Тандирда чиройли, патир нонлар ёпилади, ўчоқда эса ҳар куни овқат пиширилиб оилани бир дастурхон атрофига йигади. Ушбу рамзлар орқали тириклиқ, ҳаёт бардавомлиги моҳирона акс эттирилган.

Яна бир этюдда бир хонадон бекаси пишган нонларни тандирдан узиб саватга тахламоқда, ёнидаги ёш йигит онасининг ҳаракатини кузатиб турибди. Бу ерда тасвирланган уйлар қизиқарли кўринишда бўлиб, улар устма-уст жойлашиб, юқорига интилади.

Кўп этюдларда нарвон тасвири учрайди, чунки у томлардан фойдаланиш учун жуда зарур.

Этюдлардан ташқари, кўп қораламалар ҳам мавжуд, бунда дипломант эшикни алоҳида тусда ёки дараҳт танасини ўзгача эътибор билан тасвирлаган ва булар композициясида ўз ифодасини топган.

Дипломант ёргу-сояни ўрганиб бир неча этюд яратган, бунда аниқ соялар ва қуёшли ёрқин, ёруғ доғлар акс этган. Сояларда жуда мураккаб ранг акси – рефлекслар кўриниб турибди.

Уларда Гилон қишлоғининг тоғли ҳудудида, баланд тог тепасида ҳаёт кечираётган ҳамқишлоқларининг ҳовлиларини, уларнинг уйлари бир-бирининг устига зинапоя шаклида, тог ён

бағри бүйлаб үзига хос тарзда қурилишнинг характерли хусусиятларини меҳр билан ифода этганligини күриш мумкин. Бу эса амалиётда мустақил равишда манбалар түплашнинг ёркни намунасиdir. Диплом олди амалиётини түғри ташкил этган талабани үз вазифасига юксак маъсулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашган дейиш мумкин.

«Футболга» деб аталган малакавий битириув ишига маълумот түплаш жараёни ҳам қизиқ бўлган. Дипломант Бунёд Каримов ўз ёшлигини эслаб, диплом ишини шу мавзуда яратишига аҳд қилган (20–23 расмлар).

Дастлабки композиция изланиши узоқда қишлоқ кўриниб турибди, биринчи планда учта үсмир бола иккита эшакка минганд ҳолда кетишияпти ва бир-бирига қараб баҳслашмоқдалар. Уларнинг бири шошилганидан эшакка тескари миниб, ҳовлиқиб гапирмоқда.

Иккинчи этюдда осмон кўриниши каттароқ тасвиirlаниб, узоқда қишлоқ билинар-билинmas, яъни битта уй орқали ифодаланган. Учта ўғил бола фигураси биринчи планда тасвиirlangan, иккитаси битта эшакда, олдинда келаётгани орқага қараб эшагига миниб сўзлашиб кетмоқда, пастроқда шўх кучук боласи югуриб келмоқда. Болаларнинг юзларида хурсандчилик, орзу-ҳавас акс эттирилган.

Сўнгги вариантда шу мавзу давом этган, лекин осмон тасвири камайиб, асосий ургу болалар қиёфасига ва уларнинг ҳис-туйғуларига берилган. Булар кўшни қишлоққа шошаётган уч нафар ўғил бола. Чеҳраларида хурсандчилик, улар футбол түпини олиб үйинда ғалаба қилиш ҳақида хаёл сураётган дақиқалари тасвиirlangan.



20-расм. Бунёд Каримов «Футболга» 1-боскич.



21-расм. Бунёд Каримов «Футболга» 2-боскич.



22-расм. Бунёд Каримов «Футболга» 3-боскич.



23-расм. Бунёд Каримов «Футболга» малакавий битириув иши

«Мол бозорида» мавзусидаги малакавий битирув ишини дипломант Улугбек Ражабов бажарган. Аввало у умумий композицияни дөглар орқали яратади. Унда ғира-шира тонг пайтида мол бозорида бўлаётган воқеа-ҳодисалар тасвиirlанган. Композиция ўртасида савдо жараёни акс эттирилган. Даллол шу жойда ҳозир-нозир турибди. Харидорлар, сотувчилар, моллар, қўй-эчкилар ва ўтиб кетаётган йўловчилар унда ўз ўрнини эгаллаган. Бунга эришиш йўли осон бўлмаган албатта, композицияни яратишдан олдин жуда кўп изланишлар олиб борилган. Аввал муаллиф молларни калла, туёқ ва таналарини тасвиirlаган. Сўнг у ердаги қаҳрамонларнинг портретларини ишлашга кўл урган (24–27-расмлар).

Портрет чизишдан аввал моделни яхшилаб ҳамма томондан синчиклаб ўрганиб чиқиб, энг қизиқарли нуктани топиб тасвиirlни бошлаш керак. Биринчи босқичда чизматасвиirlнинг «фундаменти» устида ишланади, енгил чизиқлар билан моделни бош қисми шакли белгиланади, асосий пропорциялари аниқланади, унинг ҳаракати ва эгилган ҳолати даражаси устидаги ишланади.

Яна бир диплом лойиҳаси «Менинг севимли ўқитувчим» деб номланган интеръерда ишланган портрет бўлиб, уни дипломант Пётр Воробьев яратган. Бу лойиҳани яратиш жараёни жуда мураккаб кечган. Интеръерда, ҳам фигура, ҳам натюрморт – гулданда гулдаста жойлашган (28–31-расмлар).

Интеръерда турган гуллар ва одам тасвири бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиши керак. Бундай композицияда ёруғлик тушиши муҳим ўрин эгаллади. Бу ерда нур юқори ўнг томондан тушмоқда, ёруғлик пленердагидан анча фарқ қиласди. Совуқ тусли ёруғлик очиқ ҳавода сояларга жуда кўп акслар беради, лекин интеръерда у айнан илиқ тусли кам аксли сояларга айланади.

Ёпиқ жойда тасвиirlанадиган композиция ҳам ўз конуниятларига таянган ҳолда яратилади ва шу орқали рас-



24-расм. Улугбек Ражабов «Мол бозорда» 1-вариант



25-расм. Улугбек Ражабов «Мол бозорда» 2-вариант



26-расм. Улугбек Ражабов «Мол бозорда» З-вариант



27-расм. Улугбек Ражабов «Мол бозорда» малакавий битирув иши

сом асарнинг яхлитлигига ва колоритининг тугалланганлигига эришиши мумкин.

Картинада хонанинг бир қисми акс этиши керак, бу эса асарни янада чуқурроқ ҳис қилишга ёрдам беради. Ушбу тасвирда айнан шу қонуният яхши натижа берган.

Ўқитувчи билим берувчи шахс сифатида акс эттирилган, бу фоя албатта китоблар орқали амалга ошади, шунинг учун талаба айнан ўқитувчини китоб жавонлари фонида тасвирлашга уринган. Аниқ чизгилар орқали жавондаги китоблар тасвирланган ва у ерда ёруғ-соя ўйини мавзу ечимида яхши таъсир кўрсатган. Деразадан тушган ёруғлик нафақат қоматни, балки китоблар, жавоннинг ярмини кўрсатиб турибди. Ёруғлик гулдастани ҳам интеръердан олиб чиқмоқда, чунки ўқитувчи ҳаётида гулдаста чуқур из қолдиради, столда турган гулдаста байрамона кайфиятни нафақат ўқитувчи қоматига, балки томошабинга ҳам ўтказмоқда. Бу портретга қараб томашабин руҳи кўтарилади.

Интеръерда тасвирланган портрет композициясида асосий урғу перспектив қонуниятларга асосланиб, стол, стул реалистик тасвирланган.

Натурадан чизилган этюдлар дипломантга шакл қидиришда, ранг танлашда, деталларнинг мутаносиблигига бебаҳо имкониятлар беради, шунинг учун бу ерда ҳам изланишлар талабага муваффақият келтирган.

Интеръерда тасвирланган майда ва йирик деталлар асар руҳини чуқур англашга, янгидан- янги томонларни ёритишга туртки бўлмоқда.

Бу эскизда бир неча этюдлар орқали композицион ечим топилган. Айниқса, ўқитувчи портрети уни ички ҳис-туйғуларини кўрсатишга ёрдам беради, очик, кулиб турган чехра албатта барча ўқувчилар учун севимли бўлиши, болаларга меҳр билан боқиши образга янада жозиба беради.

Хулоса қилиб айтгандаги изланишлар талабанинг малақасини оширади, харакатларини енгиллаштиради, билимини



28-расм. Пётр Воробьев. «Севимли ўқитувчим». 1-вариант



30-расм. Пётр Воробьев. «Севимли ўқитувчим». 3-вариант



29-расм. Пётр Воробьев. «Севимли ўқитувчим». 2-вариант



31-расм. Пётр Воробьев.  
«Севимли ўқитувчим». малакавий  
битирув иши

ривожлантиради, кўриш қобилиятини чукурлаштиради, фазовий тасаввурларини кенгайтиради.

#### Назорат учун саволлар:

1. Тўпланган манбалар ва ашёларнинг диплом иши учун қандай аҳамияти бор?
2. Диплом олди амалиётида рангтасвир билан қандай амалий ишлар қилинади?
3. Диплом олди амалиёти даврида қандай қўшимча топшириклар берилади?
4. Амалиётда қандай асбоб ва ашёлардан фойдаланилади?

## ТАРИХИЙ АСАРЛАРДАН НУСХА ОЛИШНИ ҮРГАНИШ

Мазкур амалиёт 3-курсда, талабаларнинг музейларда мумтоз (классик) асарларни кузатишлари ва улардан нусхалар кўчиришлари асосида амалга оширилади.

Бундай амалиётни ўташдан мақсад талабаларнинг катта маъсулиятли, жиддий асарлар яратса олиш маҳоратларини ривожлантиришдан иборат.

Бунинг учун талаба тарихий асарларнинг аслига қараб, унинг нусхасини ишлайди. Ундаги образлар қаҳрамонларнинг ўзига хосликларини ифодалайди. Бу жараён бир неча асарларни қайта ишлаб, нусхани тасвирлаш ҳисобига олиб борилади. Нусха ишлаш вақтида тасвирланаётган тарихий қаҳрамоннинг кийимларига, уларнинг ҳар бир деталларига эътибор бераб, матонинг ранги, ашёси, улардаги нақшинкор безаклар бирмабир, асл ҳолидек ишлаб чиқилади.

Баъзи тарихий шахслар, айникса, ҳукмдор шахслар бўлса, уларнинг либослари ниҳоятда нақшинкор, зарбоп, матоларнинг бурмалари, букламалари, нақшларининг жойлашувини тўғри тасвирлай олиш амалиётнинг асосий мақсадидир.

Тарихий шахсларнинг нақшинкор кийимларини акс эттиришда нозиклик ва ниҳоятда қунт билан бажариш лозим бўлади.

Тасвирланаётган шахснинг гасбоблари, масалан, қимматбаҳо қиличи, қалқони ёки бошида шоҳона тожи ва ялтироқ металлардан ишланган нишонлари бўлиши мумкин. Демак, асарнинг тарихийлик хусусиятини саклаб, ўша даврнинг руҳиятини акс эттириш, ҳозиргина номлари бирма-бир санаб ўтилган буюмларни алоҳида меҳр билан ифодалай билиш талаб қилинади. Бу эса талабанинг маҳоратини оширишда катта ёрдам беради.

Шунингдек, тарихий асарлар ишлаш вақтида интеръерга катта эътибор берилиши зарур. Бунинг учун асарнинг қандай жойлашиши ва шу интеръер ичидаги жиҳозларни бир-бирига

нисбатан ўзаро муносабатларига эътибор бериш керак. Масалан, у безакка бой хонадонми, у кенгми ёки торми, саройми, ёргуми, ё нимқоронгуми? Ана шуларга диққат билан разм солиб, ундан кейин қораламаларини, чизматасвирини бажаринша киришилади.

Шундай ҳолатдаги буюмларни тасвирлап учун ҳар бири учун маълум бир соатлар давомида вақт ажратилиши, асосий диплом иши учун ашё тўплаш гарови ҳисобланади.

Айниқса, интеръерни ишлашда буюк рассомларнинг усул ва услубиятини кўз олдига келтириши керак. Масалан, Уйғониш даври рассомларидан бири Леонардо да Винчининг «Сирли оқшом» асаридаги қаҳрамонларнинг руҳонийлар либосидаги кўринишлари, Рафаэл Сантининг «Афина мактаби» деворий суратидаги интеръер тасвирида қадимийлик, меъёрий маҳобатлилик ва ўтмишнинг буюк олимлари, аллома ва зиёлиларининг тарихий либослари Ғарб мъеморий обидалари ҳақида чуқур ва аниқ таассуротлар беради.

Улуғ рассомлардан И.Е. Репиннинг «Иван Грозний ўғли билан» асари ёки Н. Генинг «Петр I ўғли Александр билан» номли маҳобатли кўринишдаги асари ҳам тарихий мавзуда ва шу билан бирга интеръер ички кўринишида ифодаланган ва уларда рус тасвирий санъатининг ўзига хос томонлари ҳақида ҳикоя қиласиди. Федотовнинг «Майорнинг уйланиши» номли рангтасвир асаридағи воқеа-ҳодисалар бой савдогарнинг уйи интеръерида тасвирланади. Айнан шу асарда рассом бойларнинг уйлари ички интеръерининг дабдабали жиҳозланиши, бой хонадонга хос муҳит ифодаланган.

Бу асарда иштирок этаётган ҳар бир қаҳрамон образи алоҳида эътибор бериб ишланган. Уларнинг либослари жимжи-мадор нақшинкор безаклари маҳорат билан тасвирланганган.

Ўзбекистон рангтасвир санъатида ўз ижодини узоқ йиллардан бери давом эттириб келаётган машхур рассом Малик Набиев яратган «Амир Темур портрети»да буюк шахс, соҳибқирон бобомиз Амир Темур хукмдорларга хос либосларда, нақшинкор,

қимматбаҳо тож кийган ҳолда узок-узокларга тикилиб ўтирган ўйчан ҳолати ифодаланган. Асарнинг орка фонида ишлатилаган нақшинкор меъморий интеръер безаклари буюк салтанат эгаси образини ёркинрок очиб беришга ҳисса қўшган.

Тарихий шахс сифатида Амир Темурнинг портретларини яратиш жараёни қандай кечганлиги ҳақида, санъатшунос олим Н. Ойдинов ўзининг «Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар» номли китобида рассом М. Набиев билан бўлган сұхбатларидан айрим маълумотларни келтиради.

«Тақдир тақозоси билан 1941 йил июнь ойида Амир Темур қабрини очилганлиги маълум. Қабрдан топилган ашёлар, жумладан соҳибқироннинг бош суяги асосида М. Герасимов жаҳонгирнинг портрет ҳайкалини ишлашни бошлаб юборади. Мен бу жараённи ўз кўзим билан кўрдим, начора замон тақозоси экан, албатта мазкур воқеа ростдан ҳам даҳшат! Соҳибқироннинг арвоҳи чирқираб, руҳи азоб чеккан бўлиши табиий... Ўша 1941 йилдан бери улуғ саркарда сиймосини яратиш нияти мени бир дақиқа ҳам тарк этгани йўқ».

Орадан эллик йилдан ортиқ вақт ўтгач, Амир Темур образини ҳар томонлама ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотлари, изланишлари ҳақида сўзлаб беришларини сўраганимизда, расом бизга ушбу фикрларни баён қилдилар:

«Шу йиллар орасида Амир Темур ҳақидаги кўплаб асарлар билан танишдим. Мавжуд миниатюраларни қаерда бўлмасин, иложини қилиб, излаб топишга интилдим. Мен Ҳиндистондаги Калькутта, Бомбей шаҳарларида музейларда, Эроннинг Техрон, Исфахон, Туркияning Истанбул, Кунё, Измир ва бошқа шаҳарларида, Англия, Франция, Испания каби мамлакатлар музейларида миниатюраларнинг асл нусхаларини кўришга муяссар бўлдим. Уларда Амир Темур турлича тасвирланган. Ҳиндистоннинг Бобур миниатюра мактаби, Беҳзод (Хирот) миниатюра мактаби вакиллари яратган Амир Темур қиёфаси бир-биридан тубдан фарқ қиласи, Истанбул музейларидан жой олган Амир Темур портрети эса мутлақо бошқача...

Хуллас, Амир Темур чеҳрасини яратиш учун бир эмас, бир неча минаятюра мактабларини ўрганиб чиқдим. Тарихий асарларни яратишдан аввал мен боболар руҳидан мадад сўрайман, ана шу нарса менга доимо далда бериб туради...». Ҳақиқатдан ҳам рассом ушбу портретни яратиш учун кўпигина изланишлар олиб борган, ютуққа юксак маҳорат, мўйқаламишининг кучи билан эришган.

Диплом олди амалиётида тарихий шахслар портретини яратмоқчи бўлган рассомлар айнан юқорида айтиб ўтганимиздек, изланишлар, ашёлар тўплаш жараёнларини расом Малик Набиевдан ўрганишлари мумкин.

Асарнинг ишлаш жараёни ҳақида, мазкур рассомнинг Амир Темур сиймосини яратишда нималарга эътибор берганлиги ҳақида санъатшунос Н. Ойдинов шундай ёзади:

«Санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилган Амир Темур портретида Соҳибқирон саркарда қиёфасида гавдалантирилган. Бошига олтин тож кийган Темурнинг нигоҳи бир нуқтага қаратилган. Ва унинг жиддий хаёл оғушида эканлиги чап қовогининг бир оз кўтарилиб туришидан илғаб олинади. Юз қиёфаси асосан буғдойранг орқали тасвирланган. Пешона, юз қисмидаги чизиқлар, шунингдек, бурун, лаб, қулок, соқол, мўйлаб каби кўринишлар Темурнинг ёши бир оз ўтган бўлса-да, унинг тетик ва бақувватлиги сақланиб қолганлигини англатади.

Айниқса, бу кўзга ташланган юздаги пишиклик, чайирликнинг тасвирланишида янада аниқроқ кўринади. Жиддий фикр-хаёл билан бандлиги эса Соҳибқиронни янада салобатли қилиб кўрсатади. У елкадор, кўллари қиличига таянган ҳолатда тасвирланган. Портретда кўл бармоқлари шундай харакгерли тасвирланганки, бу Темурнинг машаққатли жангу-жадаллардан мардонавор ўтганини яна бир бор тасдиқлаб туради.

Шарқона безатилган шоҳ саройининг деразасидан Самарқанд шаҳрининг манзараси кўринади. Девор фонида нақш безаклари, Соҳибқирон ўтирган салтанат таҳтининг ба-

дийй бойлиги, шунингдек Амир Темур эгнидаги қимматбахо шохона либосларнинг ўзига хослиги, табиий кўринишда бўлиши ишланган.<sup>1</sup>

### Назорат учун саволлар:

1. Тарихий шахсларнинг чехраларини чизишда нималарга эътибор бериш керак?
2. Тарихий шахсларнинг образларини яратиша қандай маълумотлардан фойдаланлади?
3. Тарихий интеръерлар қандай тасвирланади?
4. Тарихий шахс портретини яратган рассомлардан кимларни биласиз?
5. Нусха кўчириш ёш рассомга нима беради ?

### ТАБИАТ МАНЗАРАСИНИ ЯРАТИШ

Табиат манзарасини яратиш учун амалиётдаги талабалар ўзлари яшаб турган юртнинг гўзал, ажойиб худудларига бориб, ўша ернинг табиат кўринишларидан этюдлар ишлашлари уларнинг бу соҳадаги малака ва маҳоратларини оширади. Бунинг учун кўп ҳолларда тоғли худудларга бориб, унинг бетакор кўринишларини тасвирлаш керак бўлади.

Шаҳар манзарасида албатта бинолар тасвирланади. Шаҳарда жуда кўп ишлаб чиқариш корхоналари бор, уларни тасвирлаш мумкин, лекин мавжуд мадраса, минораларнинг кўриниши юрагимиздан алоҳида жой олади Мадраса равоқлари, монументалликни, халқимиз тарихини ҳис этишга ундайди. Обидаларда биз уйғунликни, деталнинг бир-бирига мослигини, кўрамиз. Шу кўринишлар атрофдаги манзара билан нақадар уйғунлашиб кетганлигини ҳис этамиз. Колорит ҳам шарқона – ҳаво ранг гумбазлар, оч ва тўқ охра ранг девор-

<sup>1</sup> Н. Ойдиновнинг «Ўзбекитон тасвирий санъат тарихидан лавҳалар». Т. Ўқитувчи» 1997 й.

лар, билинар-билинмас нақшлар ҳеч қайси рассомни бефарк қолдирмаса керак.

Агар тоғли худудларга бориб, амалиёт ўтказишнинг иложи бўлмаса, талаба ўзи яшаб турган шаҳарнинг яқин атрофини ва унга яқин қишлоқларнинг экин экиладиган майдонлари табиий кўринишидан этюдлар ишлаш асосида ҳам ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Масалан, оддий қишлоқнинг ўзига хос табиатини, шу ернинг халқини, анъаналар асосида курилган уйларининг лой томлари, кўчаларининг этюдларини ишлашлари мумкин. Қишлоқ уйлари, эшиклари, омборлари ва молхоналари алоҳида санъат асари бўла олмайди, лекин биз уларни манзара, осмон ва ер билан боғлаб тасвирлай олсак, албатта у ҳақиқий санъат асариги айланади. Оддий лой томлар, улар устида куриб қолган лолақизғалдоқлар, безатилмаган остоналар, нақшинкор дарвозалар – асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача келган. Кўзга ташланмайдиган ушбу нафис гўзаллик ва чуқур лирик ҳис-туйғуларни кўплаб ўзбек рассомлари ўз асарларида ифодалаганлар.

Қандай қилиб амалда меъморий манзарани тасвирлаш мумкин? Аввало бинони атрофлича айланиб ўрганиб чиқиб, ичига назар ташланади. Ҳидларни ҳис этиб, деворларни ушлаб кўриб, уларнинг нотекисликларини сезишга ҳаракат қилиш керак. Кун мобайнида бир неча қораламалар чизиш лозим. Аввал умумий композицияни илғаб олиш керак.

Композицион жойлаштириш турини топишга уриниб – тикка ёки ётиқ ҳолатда яхшиrok бўладими, нимадан қанча олиш кераклигини топиш керак.

Композиция бу нафақат доғларни бир-бирига тушиши, балки тўқ ва оч доғлар, жуда очик, равон ранг кучи, чизгилар ва контурлар ритмидир. Сўнг деталлар устида чуқурроқ ишланади, шунда этюд тўлдирилган бўлади. Охирги вариантда бу деталлардан воз кечиш ҳам мумкин, чунки иккинчи дара-

жали нарсалар жуда күп бўлса, асосий фикр ўз аҳамиятини йўқотади.

Шаҳарнинг четроғидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналининг кўринишларини ёки шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтадиган Анҳорнинг дараҳтзор, сўлим, салқин боғлари бағридағи манзараларни тасвирлаш ҳам жуда фойдали амалиёт бўлиши мумкин.

Шунингдек, қир-адирларни, тоғларнинг ён бағирларини, кўм-кўк баҳорги кўринишларини ёки сап-сарик буғдойзорларнинг этюдларини ишлаш ҳам бўлажак рассомларнинг ўз юртини турли фасллардаги табиий манзараларини ишлай олиш тажрибаларини оширади. Ёз фаслида ажойиб, мевали боғлар, узумзорларнинг ўзига хос кўринишларини акс эттириш ҳам уларнинг манзара асарлар устаси бўлишларини таъминлайди, бўлажак рассомни ранг сезиши ва табиий ранг колоритини ҳосил қилишга ундейди.

#### Назорат учун саволлар:

1. Табиатни аниқ манзараси қандай чизилади?
2. Бу амалиёт қаерда амалга оширилади?
3. Ушбу вазифа бўйича нималар тасвирланади?
4. Мазкур бўлим топшириқларининг мақсади нималардан иборат?

## АМАЛИЁТ ЯКУНИ

Ҳар қандай амалиёт белгиланган вактда албатта яқунланади. Амалиётни муваффақиятли тарзда яқунлаётган талабалар ўзлари тўплаган рангтасвир асарларидан ташкил топган кўргазма уюштиришлари лозим бўлади.

Мазкур кўргазма бир томондан талабаларнинг маҳоратларини амалиётни қандай ўтказганликларини ва қандай на-

тижаларга эришганликларини күрсатса, иккинчи томондан, бу ўзига хос шахсий хисобот күрги хисобланади. Бу күрикка күпчилек санъатшунослар, профессионал рассом-ұқытувчилар томонидан баҳо берилади.

Якуний күрикда талабалар амалиётда ишлаган ва түплаган барча қораламаларини, чизматасвир ва рангтасвирларини намойиш киладилар. Шунингдек, ҳар бир курсда амалиёт мавзуси бүйича якуний, композицион пухта ечимга эга бўлган рангтасвир асар устида мустакил ва амалий ишларни ишлайдилар. Масалан, талабалар амалиёт якунида ҳайвонот боғида ишлаган қораламалари, чизматасвир, рангтасвирли этюдларини қўйишлари билан бирга, айни шу мавзу бўйича ҳайвонот боғининг умумий қўриниши тасвирини қўйиб, томошабинда шу мавзу бўйича тўлиқ тасаввур уйғотган бўладилар.

Пленерда талабалар ўз амалиётлари ўтган жойни, яъни ботаника боғини ёки тоғларга чиқиб, у ерда яратган табиат манзараларини акс эттирувчи мустакил тарзда ишлаган композицион жиҳатдан пухта асарларни намойиш этадилар.

Нихоят, юқори курс талабалари нусха кўчириш амалиётлари даврида мумтоз, тарихий асарлардан кўчирилган нусхаларни ишлаб тугатадилар. Бу иш амалий ва мустакил тарзда бажариладиган диплом ишига тааллуқли бўлиб, у чизма ва рангтасвирлар ёрдамида диплом олди амалиётининг охирги якуний босқичида амалга оширилади.

Битирувчилар диплом асарларини, тугалланган ҳолатдаги эскизларини, тугалланган асар даражасидаги ижодий ишларининг намойишлар ўтказадилар. Бу уларнинг йиллар давомида олган профессионал билим ва маҳоратлари учун умумий ҳайъат аъзоси томонидан берилажак холис баҳони олиш жараёни хисобланади. Шундан сўнг, диплом иши учун мазкур эскизлар тасдиқланади.

## **Амалиёт ҳақида ҳисобот**

Амалиёт даврида талабалар композиция учун ашёвий далиллар түплашади. Ҳар бир қораламада ўкувчилар ранг жи-лоси орқали рангли ва пластик қурилган манзаралар, меъмо-рий бинолар иштрокида манзаралар устида ишлайди. Кичик изланишлар, уларга кўтаринкилик, ёрқинлик ва хурсандчилик бериши лозим. Бу бўлғуси рассомлар ўз устида янада кўп иш-лаши учун замин яратади.

Талабалар кўрикка қатнашиш учун амалиёт тўғрисида ҳисобот ёзишади. Бутун тўпланган маълумотлар, хомаки чиз-матасвирлар, эскизлар, эттодлар, кафедрага тавсия қилинади. Бу кўрик асосан ўкув режаси ва дастурлари асосида ўтказилади ва талабаларнинг иши баҳоланади.

### **Назорот учун саволлар:**

1. Амалиёт ўтказишдан мақсади нима?
2. Илк амалиёт қандай ҳолда ва қаерда ўтказилади?
3. Амалиётда зарур асосий вазифалар нималардан иборат?
4. Амалиётдан олдин нима ҳақида сухбат ўтказилади?
5. Амалиёт ўтказишда нималарга эътибор бериш керак?
6. Амалиёт ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш нима учун керак?

32-расм. Дилишод Эшматов. «Жалоулини Мангуберли»






33-расм. «Жалолиддин Мангуберди» асари учун ашё



34-расм. «Жалолиддин Мангуберди» асари учун ашё



35-расм. «Жалолиддин Мангуберди» асари учун ашё




36-расм. «Жалолиддин Мангуберди» асари учун ашё



37-расм. Улугбек Ражабов. «Мол бозорда»



38-расм. Бехзод Тұхтаев. «Жума. Устахонада»



39-расм. Жамшид Чоршанбиев. «Гилон»



40-расм. Бунёд Каримов. «Футболга»




41-расм. Ихтиёр Алибеков. «Чилангар»



42-расм. Пётр Воробьёв. «Севимли ўқитувчим»



43-расм. Раҳим Аҳмедов. «Она ўйлари»



44-расм. Бахтиёр Нуридинов. Рассом И.Валихұжаев портрети



45-расм. Мухаммаддиёр Тошмуродов. «Филон аёллари». 1991 й.

## «ФИЛОН АЁЛЛАРИ» АСАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ХАҚИДА

Мен Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманинг баланд тоғлари орасидаги Филон кишлогига қарийб йигирма йиллик ижодий фаолиятимни бағишиладим. Ана шу йиллар давомида кишлок ҳаётини, турмуш тарзини ўргандим, байрам тўй ва мъярракаларини рассом сифатида кузатдим. Ўрганганларим асосида кўплаб қораламалар, натурадан ишланған қишлок ва тоғ мазараларига бағишиланған юздан ортиқ асарлар дунёга келди. «Катта Филон», «Филон юмушлари», «Филонда баҳор», «Қишлоқда байрам», «Куйлаётганлар», «Қишлоқ баҳиси», «Филон аёллари» ва бошқа кўплаб асарлар шулар жумласидандир.

«Филон аёллари»га тўхталиб, таҳлил қилсак: баландликда икки аёл тасвириланган бўлиб, аёлардан бири кекса, кийимлари ҳам ёшига яраша. Кўйлаги кўк рангда, қора нимча кийган, бошига қишлоқ аёлларига хос пешонабоғ ва катта рўмол ўралган, ҳаётнинг паст-баландини кўрган қайнона момо. Иккинчиси, ёш келинчак оппоқ либосда, оила давомчisi бўлган фарзандини кутмоқда. Аёллар ризқ-рўз рамзи саналган тандир ёнида тасвириланган. Филонликлар тандир устига янги сўйилган бузоқ терисини ёпишар экан. Ҳўл тери қуригачғ тандир устига қолипдек ёпишиб қолиб, тандирни шамол, ёмгир ва қордан аспар экан (45-расм).

Тандир ёнида турган дўлча кумғонга ўхшаш идиш бўлиб, у фақат Филонда учрайди. Дўлчада чой жуда тез қайнайди, уни чўпонлар белбоғларига боғлаб юрадилар. Тандир остида Бўрибосар ит ётибди. Бундай зотли итлар қишлоқ аҳолисида ва чўпонларда бўлади.

Асарнинг олдинги планида «Филон маликаси» деб ном олган бир гурух тоғ какликлари кўрсатилган, улар инсонлардан чўчимасдан бемалол юришибди. Картинанинг ўнгига сайроқи какликлар учун маҳсус уя тасвириланган.

Гilon қишлоғи паст-баланд төглардан иборат бўлганлиги учун асар воқеаси ҳам баландликда кўрсатилган. Буни кўрсатиш учун нарвоннинг учи акс эттирилган, пастликда қишлоқ ва тоғ манзаралари кўрсатилган, баланд айвон ёки усти ёпиқ жойни кўрсатиш учун тўсин ёғочлар кўрсатилган. Картина яхлит пластик ечимга эга бўлган композицион асарга айланган.


«Гilon аёллари» асарини яратишдан аввал кўплаб эскизлар, изланишлар, вариантлар ишланган. Аввало, бирорта кизикарли фикр туғилса, ҳаётий тажрибалардан келиб чиқиб, ўлчами 15x20 см тўртбурчак чизиб олинади. Тўртбурчакнинг ўртасидан вертикаль ва горизонтал чизиклар ўтказиб, сўнг диагонал чизиклар чизиб оламиз. Асарнинг мазмунига қараб композициясини яратишда унинг ритм ва муозанатни тўғри топиш керак бўлади. Сўнг асарнинг уфқ чизифини чизамиз.

Бу услуб менга ҳар доим кичик этюддан бошлаб, катта ўлчамдаги манзара, натюроморт ва майший мавзудаги картиналар ишлашда жуда қўл келган. «Гilon аёллари» асари ҳам ана шу усулда яратилган.

Асар композициясини яратишда кўплаб қораламалар, катта-кичик доғлар билан эскиз чизилиб, оқ-кора ранглар ёрдамида умумий тус топилади. Асар мазмуни асосида қайси ранглардан фойдаланишни аниклаб, колорит яратиш керак бўлади.


«Тандир олдида», «Гilon юмушлари», «Қишлоқ аёллари» ва кўплаб эскизлар ана шу асарнинг вариантыларидир. Картина эскизи топилгандан сўнг тус ва ранглар мутаносиблиги, пластик ечими, асарнинг аник ўлчами келиб чиқади. Картина ишлашда колоритга асосланган ҳолда матони бир хил ранг билан бўяб чиқилди.

Ушбу асарни ишлаш давомида натурализмдан воз



46-расм. Асар композицияси учун схема

кечиб, асосан яхлитлик, пластик томонларига аҳамият берилб, умлашган образ яратишга ва картинанинг маҳобатли томонларга кўпроқ эътибор қаратилган.



47-расм. «Филон аёллари» асарининг композицион жойлашуви

## **Адабиётлар рўйхати**

1. К а р и м о в И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. 8-т. Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Б е р г е р Э. История развития техники масляной живописи. М.: Искусство, 1961.
3. В о л к о в Н. Н. Цвет в живописи. М.: Искусство, 1984.
5. В о л к о в Н. Н. Композиция в живопись. М.: Искусство, 1987.
6. Живопись. Учебные постановки. М.: ИАХ, 1960.
7. Живопись. М.: Искусство, 1964.
8. Х у д о й б е р г а н о в Р. А. Композиция. Т.: Шарқ, 2007.
9. Х у д о й б е р г а н о в Р. А. Рангшунослик асослари. F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2006.
10. Школа изобразительного искусства. в 10 т. М., Изобразительное. искусство. 1986.

## **Мундарижа**

Кириш.....	3
Диплом олди амалиёти ҳақида сұхбат .....	4
Амалиётнинг мақсади.....	5
Амалиётни ишлаб чиқариш корхоналарида үташ тартиби.....	6
Амалиётда ёш рассомнинг шакланиши учун қораламанинг аҳамияти.....	9
Амалиётда мустақил равиша чизма тасвир ва рангтасвир ишлаш жараёни .....	15
Ҳайвонот оламини тасвирлаш .....	16
Ботаника боғида үтказиладиган амалиёт.....	23
Қисқа муддатли этюдларни бажариш.....	29
Турли касб эгалари образини яратиш .....	34
Рангтасвирда портрет ишлаш услуби .....	40
Түпланган ашёларга асосан асарнинг композиция эскизини яратиш. ....	49
Тарихий асарлардан нусха олишни үрганиш .....	68
Табиат манзарасини яратиш.....	72
Амалиёт якуни.....	74
«Гилон аёллари» асарининг яратилиши ҳақида .....	87
Адабиётлар рўйхати.....	90

УДК 658.701(075)

74.202

Т 21

Тошмуродов, Мухаммаддиёр.

«Рангтасвир амалиёти» /дастгоҳли рангтасвир/: Методик қўлланма/  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги,  
Ўзбекистон бадиий академияси. – Т.: CHASHMA PRINT, 2010. - 92 б.

ББК 74.202

Тошмуродов Мухаммаддиёр Эргашевич

# РАНГТАСВИР АМАЛИЁТИ

(ДАСТГОХЛИ РАНГТАСВИР)

*Олий ва ўрта маҳсус ўқув юрти талабалари  
учун услугубий қўлланма*

Тошкент  
«Chashma Print» нашриёти  
2010

Муҳаррир И.Турсунова  
Бадиий муҳаррир Б.Ҳайдаров  
Тех. муҳаррир Г.Толипова  
Мусаххих С.Ҳамидова

Босишига 02.09.2010 йилда руҳсат берилди.  
Бичими 60x84 1/16. Офсет қофози. Шартли босма табоби 5,34.  
Нашр-хисоб табоби 6,0. Адади 2000 нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_.  
Баҳоси келишилган нархда.

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Фуркат кўчаси, 2.



## ТОШМУРОДОВ МУҲАММАДДИЁР ЭРГАШЕВИЧ

Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган ёшлар мураббийси. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом.

Республика ва хориждаги бадиий кўргазмалар иштирокчиси. Тошкент, Қозоғистон (Джамбул), Болгария (Варна, София, Пловдив, Тирново) Германия (Фрейбург), Хитой (Хан-жой), Италия (Турин) шаҳарларида унинг шахсий кўргазмалари намойиш этилган.

М.Тошмуродов асарлари Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон Миллий банки галареяси, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар дирекциясида ва дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари шахсий коллекция ва давлат галереяларида сақланмоқда.

ISBN-978-9943-850-41-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-850-41-5.

9 789943 850415